

ФАРҲОД ФАРМОН

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Тошкент

УЎК 821.
КБК 83.3
Ф 90

*Бу китобимни бағри кенг ва меҳрибон отажоним —
Фармонга ҳамда жондан азиз ва меҳри дарё онажоним —
Шабонойга бағишлайман!*

Ф 90

Фарҳод, Фармон

Ҳаёт сабоқлари:/Ф.Фармон. — Тошкент:«Tafakkur qanoti»,
2013. 96 б.

УЎК 821
КБК 83.3

Қўлингиздаги мазкур тўплам муаллифи ҳали ёш бўлишига қарамай, фалсафий фикр-мулоҳазалар асосида ҳаётдан катта хулосалар чиқаришга мойиллигини мутолаа жараёнида билиб оласиз. Ўйлаймизки, унинг дастлабки бу машқлари ҳам китобхонни лоқайд қолдирмайди.

ISBN 978-9943-382-62-6

© Фарҳод Фармон, 2013.
© «Tafakkur qanoti», 2013.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Дунёқараш – фикрлашдан бошланади.

Ҳар бир ҳаракатга тўғри баҳо бера олган кишининг дунёқарашини кенгайтирилади.

Дунёдаги барча ривожланишлар ва ўзгаришларнинг асосида рақобат ётади.

Дунёни фикрлар бошқаради.

Эҳтимол ва тахминларнинг ижобий натижасини омад, салбий натижасини омадсизлик дейилади.

Тўғри сўз – ҳақиқат. Ҳақиқатнинг қарор топиши адолатдир.

Маррага озгина қолганда мағлубият ҳақида ўйласанг, омад сендан юз ўгиради.

Агар шоир юракдан ёзмаса, ўқиётган одамнинг кўнгли жунбушга келмайди.

Ҳар ким ўзи ёқтирган иши билан шуғулланса, маънавий озуқа олади.

Китоб ўқиганнинг дунёвий билими, газета ва журнал ўқиганнинг дунёвий маълумоти ошади. Иккаласи бирлашиб дунёқарашни кенгайтиради.

Имконият ҳамма нарсага боғлиқ. Агар бировнинг орзуси ва режасида бўлмаса, унга эришолмайди. Гарчи унда умид бўлса ҳам.

Ақлли одамнинг боласини нодон тарбияласа, нодон бўлиб ўсади.

Тор жойда ўсган одамнинг дунёқарашни тор бўлади.

Аҳмоқлар орасида доно сўзласанг, аҳмоқ кўринасан.

Гап талашсанг, ҳаққинг кетмайди, обрўйинг кетади.

Ҳасад ҳам қайсидир маънода рақобатни кучайтиради.

Дўстларинг ичидан дўст эмас, яқин дўст танла.

Нафсинг орқали эришган бойлигинг ўзингга насиб этмас.

Жаҳл отига минган кучнинг шохига эга бўлади.

Душмандан қочиб паноҳ топган жойингни ҳам душманинг шундай қолдирмайди.

Душманинг ҳақида нима ўйласанг, у ҳам сен ҳақингда ундан ёмонини ўйлаган бўлади.

Душманга қандай ҳужум қилишингизни намоён қилсангиз, сизнинг нозик жойингиз қолмайди.

Жаҳл билан душман кучини билмасдан ҳужум бошламоқ — мағлубиятга қадам қўймоқдир.

Бир манфаат учун ҳаракатланаётган оломон олдида турган тоғ ҳам оддий тўсиқдай кўринади.

Ёмонга ҳавас қилганинг, ёмонлик қилганингдир.

Мен буюкман деб мақтанма, қувонма: сендан ҳам буюк,
аммо омади, имконияти йўқ инсонлар борлигини билиб, худо
омад, имконият берганига шукурлар қил!

Қулоқсизларни қўрқитиб тарбиялаш даркор.

Иссиқ жон — курашиш учун бутун аъзони жонлантиради.

Сизга келган айрим омадларга бировларнинг меҳнати
сингган бўлади.

Уйда ҳамма ботир бўлишади.

Дунёдаги энг зўр инсонга айланганингда ҳам сендан зўрлар
борлигини унутма!

Осон туюлган иш қалтис бўлади.

Бир балодан қутулганингда, иккинчи балога тайёр тур!

Ўзини айбдор ҳис этганлар вазиятга алоқадор бўлишадия,
кўп куюнишадилар, бироқ бош сабабчиси ўзга бўлади.

Вазиятни тўлиқ ўрганмасдан, хулоса чиқарма!

Ҳар бир катта ишга қўл уришдан олдин, келажакдаги шароит қандай бўлишини хаёлан бил!

Душманингни орттирма! Улар бирлашса, ортиб қоласан.

Бировга душманингни ёмонлаганинг билан душманинг камаймайди, аксинча кўпаяди.

Сенга тўсиқ бўлган инсонга, сен ҳам тўсиқсан.

Ҳеч қачон унутманг: ҳеч кимга, ҳеч нарсага керак бўлмайдиганинг эрки ўзида бўлади, холос. Ваҳоланки, бундайлар йўқ.

Етим деманг, ўғлим-қизим денг.
Буюксан, улуғсан, бизга кераксан денг.
Камчилигим деманг, бахтим-қувончим денг.
Буюкман, улуғман, ватанга керакман денг.

Ёрдам бериш — ёш танламайди.

Нафс бирла бойлик талашма — хасис бўласан, адолат-ла ҳақ талаш — сахий бўласан.

Сахий бўлсанг:
Ўзингда бор, оламда бор.
Хасис бўлсанг:
Ўзингда бор, оламда йўқ.

Ёлғизлик икки ҳақиқатни англайтиради:
– инсон ҳаётидаги энг олий азобни,
– ҳаётда инсон энг олий қадрга эга эканлигини.

Инсон ёлғиз қолганда «асл қиёфаси» кўринаркан, қолган ҳолларда ниқоб кияркан, – деб бир устозимдан эшитган эдим. Мен бу фикрни чуқурроқ таҳлил қилиб, ёзишга қарор қилдим.

Инсон ёлғиз қолганида уни аслини ҳеч ким кўролмаса, ҳеч ким асл қиёфасини очиб беролмас эди. Ёлғизликда қолган одамнинг фақат ўша ҳолатдаги бир қирраси очилади, ўша ҳам уни вазиятга боғлайди. Инсон кўп қиррали, уни ҳеч ким мукамал ўргана олмайди. Унинг қирралари ҳар хил ҳолатларга дуч келганда очилаверади, уларни бир неча турларга бўлиш мумкин, энг асосийси, бу суҳбатда ота-онаси билан, ака-укаси билан, дўстлари, севгилиси ва танишлари билан суҳбатлашаётганда турфа хил соҳада, ҳар хил ҳолатлар доирасида суҳбатлашади. Ёлғиз қолган одамни узоқдан кўриб баҳо бера олмайсиз, ваҳоланки, сиз уни «асл қиёфасини» кўраётган бўласиз, у билан яқин келиб гаплашаётганда одоби, тарбияси билинади, одамлар орасидаги ҳаракатлардан унинг асл қиёфаси намоён бўлаверади. Кўп ҳолларда ёлғизлик салбий вазиятлардан пайдо бўлади. Ёлғиз қолиб ҳам уларни ўйламасдан, орзу-хаёллар қилиб унга қандай етишиш

мумкинлигини ўйлаб, хаёлан эришиб қувониш ҳам мумкин. Ҳаммаси одамнинг ўзига: қайси ҳолатда, қай кўринишда ҳаракат қилишига боғлиқ.

Дардингизни эслатувчи савол туғилган ондаёқ сизни кўринишингиз ўзгаради ва ҳаракат қилсангиз ҳам кўзингиз қайғули ҳолатга тушгандай бўлади. Кейинчалик ёлғиз қолиб дардингизни эслаганингизда ҳам ўша қайғули кўз ўзгармаган бўлади.

Янада қисқачароқ қилиб хулоса қиладиган бўлсам, одам ёлғиз қолганда унинг ёлғизликка тушса қайси кўринишга, вазиятга қараб қандай ҳолатда кўринишидаги бир қирраси очилган, кўринган бўлади.

Ёрдам беришдан кўра ўргатиш қийинроқдир.

Жимликни охир-оқибат зерикиш босади.

Ёлғизлик, ҳатто ўзи билан ўй-фикрларни етаклаб юради.

Кутган бир соат бир йилдай ўтади, ўтган бир йил бир соатдай ўтган бўлади.

Қишлоқдаги гийбатчи одамларнинг оғзи худди бомба кнопкасини босиб тургандай бўлади. Агар оғизларини очса бомба портлайди: бутун маҳалла вайрон бўлиб, осколкалари шаҳаргача боради, ҳатто чекка-чекка ҳудудларга ҳар хил кўринишда айланиб- айланиб бориб тушади.

Одамлар гапи билан юргандан кўра, ер тагида тинчгина ётган маъқулдир.

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қилсанг, ундан ҳам ёмонини режалайди.

Ёмонликка яхшилик билан жавоб қилсанг, ёмонлик қилмасликка ҳаракат қилади.

Ҳеч эътибор берганмисизлар, нега терговчилар яқинларингиздан, танишларингиздан гумон қилишади ёки сиздан шу ҳақида сўрашади? Сабаби оддий, охир-оқибат айбдор сиз танийдиган инсон бўлиб чиқади.

Аҳмоқ гапирганда ёки бирон иш қилаётганда аҳмоқлигини сездиради.

Гап билишга интилма — ғийбат қилиш учун. Илм олишга интил — ўрناق бўлиш учун.

Кимга қандай қарасанг, сенга ҳам шундай қарайдилар.

Текин нон ейишга ўрганганинг — иш ёқмас бўлганинг.

Қизғанчиқлик қилганинг билан, бошқаларнинг нафратини кўзғатасан, холос.

Кўп ейишнинг хизмати ҳам кўп бўлади.

Насибангдан норизолигинг — ҳасадинг.

Шошқалоқликнинг охири — ботқоқлик.

Ҳар бир ишни меҳнатга яраша тақдирламоқ — айрим қонунбузарликларнинг олдини олади.

Шунчаки жон бермоқ аҳмоқнинг иши, курашиб жон бермоқ марднинг ишидир.

Бойлигингу мансабинг бўлмаса ҳам ғуруринг бўлсин.

Агар қонун-қоидаларга бошлиқ йўғида амал қилмаса, қонун-қоидаларни ҳурмат қилмайди, менсимайди.

Агар қонун-қоидаларга бошлиқ борида ҳам амал қилмаса, бошлиқни, халқни, ватанни, ўзини ҳам ҳурмат қилмайди.

Гап талашма, ҳақ талаш.

Ўзиникидан яхшилик кўрмаган одам, бошқадан кўрса, нафрат булоғи кўзини очган бўлади.

Ўзига керакли бошқада хор, кераксизига бошқалар зор.

Ватанингни камситма! Ўзга ерда хўрланганинга ҳам бошингни силайди.

Ўзга юртда яшаб ҳузур қилгандан кўра, ўз юртингда яшаб шукур қилганинг афзалдир.

Ҳамма ўзи сабаб ҳар хил ҳолатларга тушади.

Негадир кўпчиликнинг мақсади яхши яшашдан иборат бўлади. Ҳамма режа қилади, орзу қилади, интилади, мақсад: яхши яшаш. Лекин ҳамма бошқаларни ўйласа, ҳаётда яхшиликнинг давом этишини ўйлаб режа тузса, бошқача ҳаёт бошланиб, чўққини кўпчилик забт этади.

Умрингизда ҳеч бўлмаганда бир марта халқ фойда кўрадиган иш қилмаган бўлсангиз, унутиласиз.

Менда қизиқиш йўқ деганлар хато қилади, ҳаммада бир қизиқиш, интилганда ўн қизиқиш бор. Ҳамма нарсани секин кузатиб, аста ўзингизни шундай қила оламан деб ишонтиринг, хурсанд бўласиз, интиласиз, қизиқиш пайдо бўлиб, ҳаракатингизни оширади.

Сиз одамлардан айримларини ўзингизга муносиб кўрмасангиз, билингки, уларга ҳам сиз муносиб эмассиз. Муносиб эмаслигини нечта сабаб қилиб кўрсангиз, уларга ҳам сиз шунча сабаблар билан намоён бўласиз.

Агар ўз қизиқишингизни билмоқчи бўлсангиз, дунёвий билим олишга интилиб, мен истеъдодлиман деб буюклик сари қатъий ҳаракат қилинг.

Ҳар кимда истеъдод бор — бола туғилганданоқ истеъдод, қобилият берилган бўлади. Болага ота-она қобилиятини сезган ҳолда имконият яратиб бериши керак, холос.

Ҳар бир одам халқ эҳтиёжларини қондира олса, тўлиқ истеъдод, қобилиятдан фойдаланган ҳисобланади.

Инсон гўё туғилганда бўшлиқда бўлади. Унга қандай тарбия берсанг, қандай шароитда, қандай ҳудудда, қайси тилда, қандай урф-одатларга ўргатсанг, у сен хоҳлаган тусга киради. Ёвузлик сари чорлаган бўлсанг, ваҳшийлашади. Яхшилик сари етаклаган бўлсанг, комил инсон бўлишга интилади. Ҳамма ёмонликларнинг келиб чиқиши шундан, инсоннинг ёшлигидан онгини бузиш ҳаётини барбод қилишгача олиб боради.

Манфаат учун фарзандларини унаштирган ота-оналар, аввало, фарзандларини бахтсиз қиладилар, кейин ўзлари бахтиқаро ота-онага айланадилар.

Агар икки ёшни бахтли қиламан десангиз: йигитни қиз ва унинг яқинлари олдида мақтанг ва худди шунингдек, қизни ҳам.

Инсон онгини бузмоқ — унинг келажагини йўқ қилмоқ демакдир.

Онги «йўқ» одамнинг ҳеч нарсага эътиқоди бўлмайди. Аммо фақатгина меҳр-муҳаббат уни яхшиликка чорлаши мумкин.

Айбдорни кўрсатилаётган айбсизлиги билан сўроқ қилинг. Бу ғоянинг орқаси бўш бўлади.

Кўрдинг қоқилди: хулоса чиқаришимга арзимади дединг.
Кўрдинг қоқилдилар: хулоса чиқаришим қийин дединг.
Ўзинг қоқилдинг: хулоса чиқардим дединг, аммо кеч қолдинг.

Бу дунёда ҳар кимда ҳам камида битта камчилик бўлади. Бу камчилик одамларга ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Кимгадир бир умр азоб бериб, кимнидир вақти-вақти билан қийнайди.

Ҳар бир хатоликнинг орқасида яширин омадлар билан бахтлар бўлади. Агар сиз ўз ҳаётингиздан ижобий хулосалар

чиқариб, олдинга интилсангиз ана шу яширин омадлар ва бахтлар ўзни намоён қилади.

Барча мавжудотнинг салбий ва ижобий томони бўлади.

Яхши томонлари кўп бўлган мавжудотни (мақтайдилар) салбий томонларига эътибор бермайдилар!

Салбий томонлари кўп бўлган мавжудотни (оёқ ости қиладилар) яхши томонларига эътибор бермайдилар!

Ҳар унутишга чоғланган вақтингизда, уни эслаган бўласиз.

Ёлғон гапиришдан олдин ёлғон гапингизга туғиладиган барча саволларга ҳақиқатга яқин ёлғон жавобларингизни тайёрлаб қўйинг, бўлмаса тутилиб қолиш ҳеч гап эмас.

Алдовга, ёлғонга ишонтириш учун неча-неча далил-исботлар олиб келсангиз ҳам, буларга мойиллиги бўлмаса ҳаракатингиз бефойда.

Қасам ичирмоқ — ишончсизлик. Қасам ичиб гапирмоқ — ёлғончилик. Унда «қасам» сиз гапирган афзал.

Ҳар бир кишининг алданишга бир нозик жойи бўлади. Нозик жойни унутиб алдашингиз, ўзни ошкор қилади.

Ёлгон гапир, алда, яхшилик учун, лекин бу ёлгон, алдов ўзинг учун эмас, бошқалар бахти учун хизмат қилсин.

Айбдорни топмаганидан ёки айбни кимга тўнкаб алаmidан чиқмаса, ҳаммадан хавфсираб, барчани айбдор топиб жазолашга ҳаракат қилади.

Кичик хато кечирилганда, катта хатога йўл очиб берган бўлади.

Нимадандир қўрқиб хавфсирайверсанг, ўша қўрқувинг амалга ошади.

Ақл — хатар йўлдан қайтарса, нафс - хатар йўлга чорлайди.

Халқ тинчлигини бузсанг, ёлғиз қоласан.

Ёлғизликка чидолмасанг, ўзингни тарк этасан.

Ёлғиз одам қўрқаётганда энг оддийгина ҳаракат даҳшатга солади, энг оддий тирик жон эса катта таянч бўла олади.

Катта ишларга бирдан киришмасдан, пастдан юқорига қараб бориш керак.

Бутун дунёни забт этиб шоҳ бўлсангиз ҳам қабулингизга келган одами кўринишига, ёшига, жинсига, ирқига, насл-насабига қараманг, уларнинг ҳаммаси ҳам муаммоли, сиздан умидворлар, буни унутманг.

Азобланаётган айбдорга раҳм қилишдан олдин, жабрланган (жабрланаётган)нинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг.

Ҳозирда жиноятчилар ақлли ва билимли бўлиб кетяптилар, ўз айбларини ёпиш учун ақлсиз ва содда одамларни алдаб, жиноятчига айлантириб қўймоқдалар.

Зўрдан хўрланган, беозордан озорланганда, бутун аламини беозордан олади.

Дард бор жойга дард қўшсанг, қилмишингга ўн ҳисса ортиқ жазо оласан.

Бегона жойнинг одами, бегона дегани эмас!

Агар уни бегонасираб камситсанг, аллақачон у сени бегонасираган ва камситиш режаларини тузиб ўйлаётган бўлади.

Ўзингга мослаштириш учун аввал унга мослашинг керак.

Нодонлар «билганларини» донолик ҳисоблашади.

Биров билан ушалган орзу, бир кун келиб сизни тарк этади.

Ёмон хаёл билан ёвузлик сари бораётган одамлар ҳам орзуният қиладилар. Лекин қабиҳ орзу-ниятларига эришиш учун яна яхши сўзлар, тилаклар айтиб, худодан насиб қилишини сўрайдилар. Аммо ўйламайдиларки, худо бизни бу йўлга чорлагани йўқ, бизни шайтон чорлади, биз шайтондан насиб қилишини сўрашимиз керак деб, яна осмонга, худога юзланиб умид ва ишонч билан ўз ёвуз ниятларига етишларига ёрдам ва йўл очиб беришини сўрайдилар. Ваҳоланки, ҳеч қачон худо ўз бандасига ёвузлик қилишига йўл бермайди, балки шайтон йўлидан борганларни фоний дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам жазолайди.

Ёмон сўзларни такрор айтиб, бўлмағур қилиқларни қайтариб-қайтариб, ўрганиб қолишдан ўзингизни тийинг. Бўлмаса бу одатга айланиб, сизни бир умр тарк этмаслиги мумкин.

Такрорлайверишнинг натижаси — одат.

Билимингизни кўпайтираверганингиз сари, дунё сизга ўз сирларини очаверади. Мавҳум нарсалар сизга намоён бўлиш учун аниқлик ниқобини кияди.

Дангасалик қилиб нодонликни афзал кўрсангиз, барча аниқлик сизга мавҳумлашиб боради.

Оддийгина хаёлу фикр ва арзимаган кичкинагина эътибор-сизлигу ақлсизликлар катта-катта жиноятларга етаклайди.

Жиноятчининг асосий қуроли унинг ғояси, фикридир:

Оддий инсон ёмон хаёллар қилиб, шу хаёлларни бажаришга лойиқлиги пайдо бўлса, бу- хаёллар аллақачон «бузғунчи ғоя»га айланган бўлади. Кейин ғоясини амалда бажаришни режалаштирса, у ёвузликка етакловчи мақсадга айланган бўлади. Ана шунда бузғунчи ғоя унга бўлмағур хаёлларни, кучли ишончни ҳаёти этади, сўнгра унинг асосий мақсади шу бўлиб қолади. Оддий инсон ваҳший ҳайвонга айланади. Жиноятчи жиноятни қандай йўл билан, қандай восита билан ва қайси «реал» қурол билан амалга оширса, барчасига бош сабаб унинг асосий қуроли — «бузғунчи ғоя»си ҳисобланади. Шунинг учун, энг аввало, ёмон хаёллар қилишдан тийилиш лозим.

Салбий тасодифлар умуман йўқ, барчаси эътибор-сизликдан, қасддан бўлади.

Ҳамма катта хатоларнинг асосида кичик-кичик хатолар ётади.

Майдалашган майдаланади.

Хиёнатинг ханжар бўлиб, ўзинга санчилур.

Қассоб сўйиладиган молини боқади.

Қўшнингда бўлаётган ёнғин, сени уйингга ўтиши муқаррардир.

Агар айрим ишларга имкониятинг, қобилиятинг бўлса-ю қилмасанг ёки қилишга уринмасанг, улар сени тарк эта бошлайди.

Биров орқасидан керилмоқчи бўлсанг унга яқин юр, бўлмаса унинг ҳимоя чегарасидан чиқиб қолиб панд ейсан.

Иқтидорли ва истеъдодли одамлар орқасидан машҳур бўлганлар — уларнинг сояларидир.

Ишонч — келажакдир. Ишончни оқлаш эса абадийликдир!

Битта ёлғон гап юзта ёлғон гапни етакласа, юзта тўғри гапни ҳам ёлғонга айлантиради.

Эътиборлари камайса, ишончларини сўндирияпсан.

Бир неча йиллик меҳнат билан эришилган обрў-эътиборни бир неча сонияда йўқотиш мумкин.

Ҳаракатни, интилишни, юксалишни, ижод қилишни ва рақобатни кучайтирадиган восита танқиддир.

Танқид — камчилик, маслаҳат маънода — ўғит, ҳақиқатдир.

Икки киши билган гап сир эмас, уни бир киши билгани эса дарддир.

Сирни билишдан аввал уни сақлай ола билишингизни ўйланг.

Дўстингиз ҳақидаги сирни бировдан эшитсангиз, у сизни дўст ҳисобламайди.

Ўзингиз ҳақингиздаги сирни билишганни сезсангиз, сирдошингизни — сирдош, дўстингизни — дўст ҳисобламанг.

Кўзгу олдида асл қиёфа ўзгаради.

Эътиборсизларга эътибор берилса, эътиборли бўлишади.

Агар бир оилага баҳо бермоқчи бўлсангиз, тартиб-интизоми

учун яшаб турган уй ичига боқинг, тарбия ва одоби учун оила ичига боқинг.

Ҳар ким ўз сирдошига ҳақиқатни, у эса уни ёлғонга айлантириб айтади.

Агар бир инсон ўзи ҳақидаги яхши хусусиятларини сизга айтса ёки бошқа яқин қариндоши айтса, сиз уни мақтанчоқликка йўйманг, бундан тўхталинг, чунки у ҳақида тўлиқ билмайсиз.

Ўзига ишонса, қўлидан айтгани келса, лекин айтолмаса, қилолмаса, бу ўзига бўлган ишончни йўқотади.

Бир орзу-ниятга эришишда қанча машаққат бор, ҳар бирига ҳаракат ва омад керак, ўша мақсадга эришишга бир баҳя қолганда акси бўлиб қолса, шу ергача келган омадлардан нолиманг, афеусланманг.

Ҳали эришилмаган ютуқни умид қилишдан кўра, унга қандай эришиш мумкинлигини ўйланг.

Одамга баҳо беришда одоби, тарбиясидан ташқари, у яшаётган муҳит таъсирини ҳисобга олиш керак.

Маънавий эзилиш жисмоний қийноқлардан ҳам азобдир.

Маънан эзилмоқ — умидни сўндирмоққа, ишончни йўқот-моққа, қувонч, кулгуни унутмоққа, режасиз, мақсадсизга айлантирмоққа, меҳр-муҳаббатни, дунёқарашни ўзгартир-моққа, ўзлигидан узоқлашга ундамоққа, орзу-истак қилиш-дан тўхтатмоққа олиб келади. Агар иродаси суст бўлса.

Мағлубиятни тан олиб, йўл очиб берган ҳам ғолибдир.

Ҳурмат ва эътибор кўп меҳнат ва хизмат қилганга қарайди.

Дангасага дам, меҳнаткашга ҳар дам берар.

Бир йил қийналиб қиялагандан кўра, бир кун азобланиб айрилган маъқулдир.

Калта ўйланган ва чала тузилган режа ўзингга ғовдир.

Ҳаёт қонуни давлат қонунидан устун туради. Лекин давлат қонуни инсонларнинг ҳаёт қонунини жиловлайди.

Танқидчилар ҳамманинг устозидир.

Баҳслашадилар:

Далил-исботи билан – фанда ўзгариш бўлгунча,
Дунёвий тасаввури билан – дунёқараши ўзгаргунча,
Тахминий таҳлили билан – хатолик сезилгунча,
Таянч ғояси билан – чиппакка чиққунча,

Агар далдалар кор қилмаса, билингки, унинг умиди сўнган.

Вақт ҳар он, ҳар сония кимгадир бахт ва омад, кимгадир тескарисини бахш этади, аммо нима бўлганда ҳам кўпчилик учун ўтган онлар армонга айланаркан, шунинг учун сиз мавжуд дамда тўйгунча боридан ортиқ ўзингизни баҳра этинг, токи армонга айланмасин, лек барибир армон бўлиб қоларкан.

Кўзингизни юмсангиз тарихнинг охирини ва худди шундай кўзингизни очсангиз келажак бошини кўрган бўласиз.

Кимки қила олмайдиган ишини қила оламан деса мақтанчоқликдир, кам ишлар кўп кишига айтилса, мақтанчоқликданмас, балким ғурурланишдандир.

Ҳар бир нарса восита бўлади. Ҳар бир мавжудлик бир асос бўлади.

Ҳар қандай одамнинг гапида қандайдир ҳақиқат бўлади.

Ҳеч нарсдан ҳар нарса чиқади.

Инсониятни ҳар хил кўринишга уларнинг ҳис-туйғулари солади.

Барчани тенглаштириш учун ойсиз кеча берилади.

Буюк файласуфлар икки нарса ёрдамида фикр юритганлар: биринчи — инсон, иккинчи — табиат.

Бир хил нарсани ҳамма бирдай кўролмайд.

Табиатни табиат ҳаракатлантиради ва ўзгартиради, тирик жонлар ёрдамлашадилар, холос.

Азалдан ҳеч қандай тушунча, одат бўлмаган, ҳаммаси инсонлар онги ўсиб бораверган сари пайдо бўлаверган. Ўзгармаган нарсаларга нисбатан тушунчалар ҳам ўзгармайди!

Бу ҳаётда инсон тилидан қандай сўз чиқишидан қатъи назар, уларнинг натижаси бу дунёда содир бўлган ёки содир бўлади.

Одамларнинг икки хил устози бор: биринчиси — инсонлар, иккинчиси — ҳаёт. Уларнинг ўргатиш жараёни фарқлидир.

Инсонлар салбий оқибатлар юзага келишини олдиндан тушунтириб ўргатсалар, ҳаёт салбий оқибатларга дучор қилиб, азоб бериб ўргатади.

Барчанинг энг биринчи ва энг яқин дўсти ҳамда душмани қалбдир.

Эътиқоди кучлиларнинг қалби ишонч беради,
Эътиқоди сустрларнинг кўзи гумон беради.

Ҳаётни англамоқ учун табиат қўйнида, одамлар орасида юр!

Бирида боши бўлса, бошқасида охири бўлади.

Орзу-ҳавас қилганлар устидан кулганинг, ўзгаришлар йўлини тўсганинг демакдир.

Агар ғурури баланд бўлса, иложсиз ва ночор инсонни ҳеч қачон хўрлаб бўлмайди.

Ота-оналар болалари учун, болалари фарзандлари учун яшаш кетма-кетлиги ота-она қадрини тобора пасайтириб боради.

Ҳаётида ҳамма бир неча марта ўлмас қўшиқни эшитган-у, лекин эслолмайди. Бу – она алласи!

Она меҳрини алласидан аниқласа бўлади.

Илҳом – жой ҳам, вақт ҳам танламайди, аммо одамани танлаб илҳомлантиради.

Инсонларда турфа хил ҳиссиётлар бор. Улар ўзининг қадрини ўзи керак бўлган вазиятларда билинтиради. Уларни тенглаштирмақ, ўлчамоқ нотўғри. Ўзининг пайтида улар ҳаммасидан кучли бўлади. Агар кераксиз жойга уларни ҳис этаман десангиз, қониқмайсиз.

Муштдеккина юрак бир дунё бойлик ва обрўдан кўра озгина меҳрни афзал кўради.

Рекламасиз маҳсулот – харидорсиз бозор.

Агар кимдир сиздан илтимос қилиб ёрдам сўраса, у сиздан интиқлик билан жавоб кутади.

Шунчаки хўп десангиз, хурсанд бўлади, дилдан ёрдам беришингизни билдирсангиз, миннатдор бўлиб мақтаб, эслаб юради.

Асосли сабабини тушунтириб йўқ десангиз, тушунади, тушунишга ҳаракат қилади, аммо хафа бўлмайди.

Шунчаки сабабсиз йўқ десангиз ёки жавобсиз қолдирсангиз, қаттиқ хафа бўлади, кўнгли сиздан совийди. Олдинги яхшиликларингизнинг ҳаммасини унутади. Кейинги қиладиган яхшиликларингизнинг мингтаси ҳам уни юмшатомайди.

Сенга жоним фидо, деганларга ишонманг, шунчаки энг азиз нарсасини сўраб кўринг.

Уйдаги салбий муносабатни кўчада қилмаслик керак.

Сиз савдогардан ҳеч қачон қайси моли яхши-ёмонлигини сўраманг. Барибир, ҳеч бири ёмонламайди.

Агар ҳаётингиздан хулоса қилиб, насиҳат қилмоқчи бўлсангиз, учта нарсага амал қилинг: насиҳат олувчининг ҳолати, хулоса вақти, замон бу ҳолатга қандай ўзгарганини инобатга олинг.

Касали оғир касали енгилга иш буюра олади.

Беморларнинг маълумоти — шифокорларнинг калитидир.

Шифокорларнинг биринчи устози— бемор.

Тинч кунда бормасанг ҳам, нотинч кунда бор!
Бахтли кунда бўлмасанг ҳам, бахтсиз кунда бўл!
Соғломлигида хабар олмасанг ҳам, бетоблигида хабар ол!
Ҳаётлигида қадрламасанг, ўзингни қадрсизлигингни билиб юр!

Бесабрлик қилаётган ҳолатингга сабаб бўладиганлар сабр қила олиш-олмасликларини бил.

Тилаганингга эришмаганинг учун нолима, худо берганига эришганинг учун қувониб шукроналар қил!

Ғалаба ҳам, мағлубият ҳам ўз қўлингда.

Ўйламай, тушунмай жанжал кўтарганлар аҳмоқлардир.

Ҳамма учун бир киши ақлсиз бўлавермайди.

Инсоният нимагаки эришган бўлса, барида ўзининг манфаати ётади.

Йўқ нарса бор нарсадан қиммат туради.

Ҳеч илож қолмагани аниқ бўлса ҳам умид сўнмаса, ишонч йўқолмайди, ҳаракат тўхтамас, йўл топилади ва албатта мўъжиза юз беради.

Бу дунёда қатъий ишонч ва ҳаракат билан ниманинг изидан борсангиз, ўша нарса сизга секин-аста ўз сирларини намоён қила бошлайди.

Қизиқиш бор жойда ҳаракат бор.
Ҳаракат бор жойда умид бор.
Умид бор жойда ишонч бор.
Ишонч бор жойда келажак бор.

Хаёл билан орзу қилишнинг фарқи:
Хаёл — мавҳум нарсаларни кўпроқ орзу қиламиз.
Орзу — хаёлни аниқлик томонга йўналтирамиз.

Ташвиш — безовталиқ.

Дард, ғам-қайғу, қалбни оғритадиган гапларни бир неча кунлаб, ойлаб, йиллаб сақлаб кўтариб юрадилар. Уларни ташлаш учун инсонлар жуда қийналадилар: одамани, жойини, вақтини, вазиятини топишга; кун,ой, йил камлик қилади, бу дард бир парча қоғозга кетадиган гаплар бўлади, холос.

Энг қувончли кунингизда, энг бахтли онларингизда омадлар кулиб боқиб, сизни ютуқларга эриштирганда, сизни ҳамма табрикласа-ю, аммо жон-жигарларингиз — ҳеч бўлмаганда битталари, шу дамларда сизни эсламай

табрикламасалар, қувончларингиз сўниб бораркан, алам қиларкан.

Ҳаёт қонунини меъёрида ушлаб турадиган ёмонликлар, ёвузликлар келиб сизга келаётган омадлар, бахтлар йўлини тўсиб қўйганда, энг бахтсиз кунингизда, ғам-қайғуга, дардга ботиб йиғлай-йиғлай деб тураётган пайтингизда сизга дўстларингиз, яқинларингиз далда бериб турса-ю, бироқ жон-жигарларингиз — ҳеч бўлмаганда улардан бири эсламаса, далда бермаса дардингиз янада оғирлашаркан, алам қиларкан.

Жон-жигарларингизга меҳрли, оқибатли бўлинглар, қанча кўп бўлса, шунча оз денг.

Ёмон инсоннинг яхшилиги, яхши инсоннинг ёмонлиги овоза бўлади.

Ҳар ким ўз соҳаси доирасига яқин олиб фикр юритади.

Ҳаётингизни вазиятга қараб, кўзингиз етадиган вақтгача режалаштиринг-у, бугунингизни ўйланг. Бугунги ишни қилаётганда эртани ўйланг-у, кечанги қилган ишингизни таҳлил қилинг.

Ҳар бир одам янги жойга борса, ташқаридан қоронғи уйга кириб кўзи кўниккани каби, секин мослашади.

Кўп нарса кўриб, танламай-танламай келсанг, охири ёмон нарса ҳам чиройли кўриниб кетади.

Касбингиздаги қийинчиликни болаларга намоён қилсангиз, касбингизнинг қадри йўқолади.

Қийналаётган одамнинг ўзидан кўра, уни кўриб турган яқин кишининг қалби кўпроқ ўксийди.

Ишининг устаси бўлган одам ҳам эътиборсизлик қилса, шарманда бўлиши муқаррар.

Уйқуда ҳамма беозор бўлиб кўринади.

Қанча асрасангиз, шунча нозиклашиб боради.

Дарди оғир инсонга биринчи бўлиб дард кўрган одам ёрдам беришга келади.

Тирик жонга хавф туғилганда, тана аъзонинг камчиликлари бўлса ҳам тенг жонлантиради, яшашга руҳлантиради.

Ҳеч ким ўйламаган, кутмаган, айтилмаган ҳодисалар юз берса, ҳамма тасодиф деб ўйлайди. Лекин шунинг олдиндан ўйлаб қутилиши ёки бўлиши мумкин десалар, айрим салбий тасодифларнинг олди олинган бўлар эди.

Хато қилдинг, биринчи худодан сўра, у кечиримлидир. Кейин бандасидан сўра, агар кечирмаса, худо уни кечирмайди.

Агар олган нарсангизни вақтида қайтармасангиз, жуда муҳим бўлган пайтда ҳатто ҳаётингиз билан боғлиқ бўлса ҳам ҳеч нарсасини сизга бермайди, шуни унутманг.

Ҳамма нарса йиғлатса йиғлатсин, лекин муҳтожлик йиғлатмасин экан!

Аксарият одамлар танишларининг мавқеи ошиб борса, эслаб тургувчилар кўпайиб бораверади. Кейин ҳар хил кўринишда ўзларининг илтифотларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ишлари тушганда ишини қилмаса, улар энг ашаддий мансабсиндирувчи гийбатчи душманлари бўлади. Ана шулар гап қиладилар: бурни кўтарилибди, менсимади, кўзи кўр бўлибди, олдин қандай эди дейдилар-у, бироқ ўзларига олдин менинг муносабатим унга қандай эди, деб савол бериб ўйлаб кўрмайдилар.

Оддий математик сонларда туғиласан, аммо улғаяверганинг сари математика сенга мураккаблашиб бораверади. Энди ҳаммасини ҳисоб-китоб қиламан деганингда оддий математик сонларда бу дунёни тарк этасан.

Кино кўраётганда салбий роль ўйнаётган қаҳрамонларни қарғаманг, чунки кинодаги роли-ҳаётидаги эмас. Ижобий роль

ўйнаётган қаҳрамонларингизнинг бошига кулфатлар тушса, куюнманг, ачинманг, йиғламанг, негаки сценарийда шундай ёзилган, ҳаётларида улар бахтиёр деб ўзингизга таскин беринг.

Кулгу ҳаётни севишга ундайди.

Эсламоқ — ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади.

Ер куррасида нимаки яралган бўлса, барчаси керакли ва фойдалидир, ҳар бири эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳамма муаммонинг ечими бор; ҳар бир касалликнинг давоси бор, янги касаллик пайдо бўлса, билинги, ердан бир даво унади, фақат изланиш керак ва албатта ишониб интилиш зарур.

Табиатни тупроқ, сув, шамол, иссиқлик (қуёш, олов) ташкил этса, шулар инсонни ҳам яратган. Уларни ўз мантиқий маъноси бор, ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Мен учун:

Иссиқлик (қуёш) — меҳр-муҳаббат;

Иссиқлик (олов) — жаҳл-жаҳолат;

Тупроқ — инсоннинг юрак жони;

Сув — инсоннинг характери;

Шамол — одамнинг ҳиссиёти.

Инсонларнинг характери — ҳаётнинг табиати.

Бир нарсага доим амал қилиб юр: ҳар доим ишлайдиган,

иждо қиладиган, билимли, тоза-озода юрадиган, тартиб-интизомли, бўш вақтини фойдали ишларга сарф қиладиган инсонлар билан бўлишга ҳаракат қил.

Ҳар бир жойнинг ўзига яраша маданияти, урф-одати бор. Ўша жойнинг аҳолисига бу урф-одатлари, маданиятлари қадрли саналади. Агарда бошқа жойда ёки ўзида бўла туриб, сизларга уларнинг урф-одатлари ёқмай қолса зинҳор айтманг, чунки сизларники ҳам уларга ёқмайдиганлари бўлади ёки ёқса ҳам мажбур ёмонлайдилар, қайтанга урф-одатларингизни ёмонлаганингиз қолади.

Уйингиздан узоқда бўлсангиз, соғиндим деб ўйламанг. Сизни кўпчилик соғинганини, қадрингиз ошганини ўйласангиз, зерикмай хурсанд бўласиз!

Соғинч — инсон қадрини ўлчаб беради.

Сиз севган инсон, севишни ҳам хоҳлайди.

Севгини барбод қилувчи ҳам, мустаҳкамлаб кучайтирувчи ҳам — рашк.

Қизи бор отанинг учта бурчи бор:
Қизига мос чиройли исм қўйиш,

Яхши таълим-тарбия бериб ўқитиш,
Қизи розилигида яхши хонадонга узатиш.

Қизининг раъйига қарамай узатган ота, худбин ва
манфаатпарастдир.

Меҳр-муҳаббатсиз одамлар бир-бирига бегонадирлар.

Суҳбатдошингиз гапираётганда ҳамма нарсани унутиб,
диққат билан тингланг. Гапирганидан сўнг фикрингиз,
маслаҳатингиз бўлса чин дилдан ҳаётинг ёндашинг, шунда у
суҳбатлашишга биринчи сизнинг олдингизга югуриб келади.

Ҳар туғилган кунимда такрорлайман:
Яна бир ёшни қаршиладим — худога шукур!
Яна бир йил умрим шунчаки ўтиб кетди — афсус!

Ҳаётни инсонларга энг оғир мусибат англатади.

Азоб чексангиз қийинчиликдан йиғламанг, кулинг, чунки
ёмон хислатларингизни йўқотади.

Иқтидор ва истеъдодни яширмақ, ўзингдан йироқ қилмақ
демақдир.

Яхши маслаҳат берган кимса ҳам ўзининг маслаҳатига амал қиладими-йўқми, барибир сиз амал қилинг, чунки шу борада у аллақачон қоқилган бўлади.

Барча инсонлар мавҳум ва мавжуд бўлади, турли сабабларга кўра улар рўбаро келадилар. Улар биринчи ўзларини кечира олсалар, кейин кечирилсалар маълум вақтга унутадилар. Агар ўзларини кечира олсалар-у, аммо кечирилмасалар ҳам унут бўлади. Булар енгилларига рўбаро келган бўладилар.

Агар улар ўзларини кечира олмасалар, лекин кечирилсалар ҳам у нарса умрбод уларни тарк этмайди. Агарда ўзларини кечиролмасалар, кечирилмасалар ҳам уларни юқоридан пастга қараб яшатиради. Бунинг натижасида тирик мурдага айланадилар ва охири ўлим билан тугайди. Булар оғир ва ўта оғирларига рўбаро келган бўладилар. Бу армондан кучли, виждон азобидир.

Инсоф билан виждон бирга юради.

Сизда бир гоё туғилди, унинг изидан боринг, қочишига йўл қўйманг, чунки унинг ортида минглаб гоёлар яширинган бўлади.

Инсонларга кўз, қулоқ, бурун, тил йўқолаётган ёки унутилаётган хотирани қайтаради ва тиклайди.

Кўп олдида йиғламанг, кулманг — ёлғиз қолганда йиғланг, яқинларингиз олдида кулинг.

У инсонлар бир-биридан узоқлашаверган сари кучайиб бораверади, узоқлашиш вақти қанча кўпайиб бораверса, шунча уларни қийнайверади. Бу - соғинч туйғусидир.

Ҳаётда ҳеч кимга ишонмайман деган пайтингиз, гўдакларни ёлғон гаплар билан алдаб юрган онларингизни эслаб, улар олдига боринг. Уларнинг гапларида ёлғон сўз бўлмайди, агар гапларида ёлғон қатнашса, билингки, сизга ўхшаб овунтириш учун алдаганлар сўзи бўлади.

Ишончни оқюлмасанг, эътибор тугайди.

Янги уйнинг ичи тартибсиз, ифлос бўлса, меҳмон тез чиқиб кетишини ўйлайди.

Эски уй бўлса ҳам, ичи тартибли, тоза бўлса, меҳмон ётиб дам олишни ўйлайди.

Узоқ хаёл ва яқин орзу-истакни йўйманг мақтанчоқликка.

Ёмонни энг ёмон билан солиштирсанг, яхшига айланади.

Дилдан йиғламоқ ҳам, дилдан кулмоқ каби бахтдир.

Иқтисод моддий танқисликдан қутқарса,
Фалсафа маънавий бўшлиқдан қутқаради.

Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ҳазил қилиши ва ҳазил кўтаришининг меъёри бор.

Айрим одамлар афсонавий орзулар қилиб, бутун ўй-фикрларини бўлмайдиган орзуларига бағишлаб, бор-будларини бой бериб қўйганларини билмай қоладилар.

Ақл — шамол, куч — олов.

Кулгили туюлган гап ҳақиқатга айланса, шов-шув бўлиб кетади.

Ижод — буюкликдан нажот.

Савол ҳам доимо жавоб кутмайди...

Инсон фикрласа, у — тирикдир.

МАСАЛЛАР

СИРТЛОН ВА ШЕР

Бир куни шер овга чиқди. Сиртлонни кўриб қолиб, уни таъқиб қила бошлади. Сиртлоннинг жони ширинлик қилиб, унга ҳар хил найранглар кўрсатиб қоча бошлади, шер таъқиб қилишда давом этди. «Бошқа чидолмайман, тақдирга тан бериб, ем бўламан», – деб ўйлади сиртлон. Шу онда шер ҳам: «Бу сиртлонни ейиш менга насиб қилмаган экан, таъқиб қилишни бас қиламан, яна бироз югураман, қутулса қутулди», – деб ўйлаётганда, сиртлон югуришни сусайтириб таслим бўлди. Шунда шер сиртлонга қараб: «Яна озгина югурганинга эди, мен орқамга қайтиб кетардим, охиригача ҳаракат қилолмай югурмаганинг ҳаётингга нуқта қўйди», – деб бўйнидан тишлаб ўлдирди...

ҚЎРҚОҚ ЙЎЛОВЧИ

Бир йўловчи йўлда кета туриб, узоқдан бир итни кўрди. У хавфсирай бошлади: «Мени тишлайди». Яқинлашгани сари «Тишлайди, ана тишлайди, ана ҳозир тишлайди», деб ўйлаётганда, ит: «Ҳозир мендан қўрқяпти, агар ҳамла қилмасам, кейин мендан қўрқмайди, эътибор бермай ўтиб кетади», – деб йўловчини оёғидан тишлаб олганида, у доввой солиб: «Маана тишшлади, тишлади» деганда, ит унга қараб: «Бошидан мени тишлайди, ҳозир тишлайди, ана

тишлайди, деб хавфсираб қўрқмаганинда, мен сенга ташланиб, тишламасдим. Сен бемалол йўлингда давом этардинг қўрқоқ», – дейди.

ТУЛКИ ВА БҶРИ

Тулки оҳуни қуваётганда, оҳу бирдан ботқоқ ўртасига тушди. Тулки оҳудан воз кечиб қайтаётганда, бўри тулкига қараб: «Шунча югурдинг, тайёр бўлганда ташлаб кетяпсанми, аҳмоқ, – деб устидан кулди ва: «Ботқоқ ўртасида ботаётган оҳуни олиб ейман», – деб оҳуни бўйнидан тишлаганда, оҳу жон талвасасида ҳаракатланганда бўри ботқоққа ботиб қолди. Бу ҳолатни кузатиб турган тулки бўрига қараб: «Энди тушунгандирсан, мен нега ўлжадан воз кечганимни», – деб йўлига равона бўлди.

ОНА-БОЛА ЖИРАФАЛАР ВА СИРТЛОНЛАР

Она жирафа боласи билан ёлғиз ўтлашиб юрганида, оч сиртлонлар «боласини овлаш осон деб», ёш жирафани ўлжа қилиб, ҳар томондан она-бола жирафаларни ўраб келаверишди. Она жирафа яқинлашганни тепа бошлади, сиртлонлар олдиндан яқинлашганида она жирафа уларни қувиб кетди. Орқада қолган сиртлонлар эса ёш жирафани ўраб йиқитдилар. Она жирафа умидини узиб, ўзи қочиб кетди. Ёш жирафа онасига қараб, кўзда ёш билан: «Ҳеч бўлмаса кўзим мангу юмилгунча мени ҳимоя қилганингизда эди, мен сиздан фахрланиб, ғурур билан ўлардим», – деди.

«ҚЎРҚМАС» ШЕР

Бир шер: «Мен ўрмон қиролиман, ҳеч кимдан қўрқмайман, шунинг учун ўзим ов қиламан», – деб ўрмон ичига

кириб кетди. Ўрмонга ўт кетиб, ёниб келаверди. Ёнғиндан қочаётган ўрмон ҳайвонлари шер келаётган томонга қочишардилар, буни кўрган шер: «Мен қиролман, нимадан кўрқаман?» — деб бораверди. Ўрмон ҳайвонлари шерлигига ҳам қарамасдан босиб кетавердилар, шер тураман деса, оломон яна босиб кетаверарди. Майиб бўлган «ўрмон қироли» ёнғинда ёниб нобуд бўлди.

КУЧУК ВА БОЛАКАЙ

Болакай кучукни занжиридан ушлаб йўл бошида турганида, ўртоқлари уни масхара қилиб устидан қаҳ-қаҳ отиб кулишаётганини кўриб турган кучукнинг тоқати тоқ бўлиб, уларга ҳамла қиламан деб олдинга бор кучи билан бирдан ташланди. Болакай занжирни қаттиқ ушлаган ҳолда ерга йиқилди ва оёғи тирналгани учун йиғлаб, уйига борди. Отаси боласидан қандай тирналганини сўраганда, болакай: «Ит бирдан қаттиқ тортгани учун» демасдан отаси итни тепди. Кейин «нима учун бирдан тортди?» — деб сўраганида, боласи: «Ўртоқларим устимдан масхара қилиб кулишаётганига уларга ҳамла қилмоқчи бўлди», — деб жавоб қилганда отаси кучукни силай бошлади. Аммо кучук аллақачон хафа бўлганди!

МУШУК БИЛАН ҚАЛДИРҒОЧ

Бир оила янги уй солиб кўчиб келди. Баҳорда дарвоза-хонасига қалдирғоч келиб ин қурди. Уй эгаси: «Бу уйга бахт-омад келтиради», — деб мушугини ҳатто пойлашга қўймас эди. Келаси йили қалдирғоч бир-икки кўриниб, бирдан ғойиб бўлди. Уйдагилар ҳайрон бўлиб, айбни мушукка тўнкаб уйдан қувиб чиқардилар. Мушук жой, нон излаб бошқа хонадонга кириб қолса, қалдирғоч ўша уйда қўним топган экан. Мушук бўлган воқеани айтиб, сабабини сўради. Қалдирғоч, «мен у

уйга келганимда ҳамма жойи тоза, саранжом-саришта эди, кейин келиб қарасам, ҳамма жой ифлос, бетартиб бўлиб кетган экан. Биз бунақа уйда яшай олмас эдик, шунинг учун у ерни тарк этдим», — деб жавоб қилди.

ОТ БИЛАН ЭШАК

Бир фермерда от ва эшак бор эди. У ҳар доим от билан далани сайр қиларди, оғир юкларни таширди. Шунга яраша отга емиш берарди. Эшак билан эса, фақат молхонадаги енгил ишларни қиларди, лекин отга нисбатан кам емиш берарди. Бир кун эшак от насибасини тортиб олиб еяётганини фермер кўриб қолади ва эшакни отнинг аравасига қўшиб, ўта оғир юкларни юклаб торттиради. Эшак қанча ҳаракат қилмасин ҳеч торта олмади, фермер эса жаҳл қилиб: «Хўракка яраша меҳнат шу бўлади», — деб урди.

ИККИ МАЙМУН

Иккита ўргатилган маймун бўлиб, бири сезгир, бири шошқалоқ эди. Ҳайвон ўргатувчи буни сезиб, ҳаракатларни секин бажаришга ундарди. Ҳар хил усуллар билан шошқалоқ маймунни тартибга аранг солиб, иккала маймунни томоша кўрсатишга олиб чиқди. Сезгир маймун ҳамма усулларни чиройли бажарди, ҳар ҳаракатини томошабинлар олқишладилар, шошқалоқ маймун эса: «Ундан тез ва чиройли қиламан» деб, ҳаракатларни бажараётганда хатоликка йўл қўйиб, томошабинларга кулгу бўлди.

ОВЧИ БИЛАН ОТ

Овчи отда бораётиб, бир хазина топди. Хазина тиллага тўла эди. Овчи хуржунини тўлдирди, аммо яна икки баравар ортиб

қолди. Сўнгра ҳайвонларни ўлдириб терисидан хуржун тикди, белбоғ шаклида елкага ташлайдиган сумка тикиб, ҳамма тиллаларни ортди. «От бирдан хўрсиниб йиқитиб қочиши мумкин» деб, ҳамма тиллаларни бир-бирига боғлаб, арқонни ўзига ҳар хил кўринишда маҳкам боғлади. Дарёдан ўтаётиб от сирпаниб йиқилди, тураман деса, тиллалар оғирлик қилади, устига-устак овчи ҳам ўтирибди. От чўкиб кета бошлади, типирчилаб чиқаётганда эгари ечилиб кетди. Овчи жон сақлаш илинжида хуржунларни бирма-бир ечиб ташлади, сузаман деса, сузолмади, сумкасини ечиб ташлади, яна сузолмади. Белбоғини ечиб ташлаб, энди сузаман деганда жарликка тушиб кетди. Буни кузатиб турган от: «Нафсингни қондирдинг, бойликни сақлаш йўлини қойиллатдинг, бироқ жонингни сақлаб қолиш учун ҳамма тиллаларингни совурсанг ҳам барибир фойдаси бўлмади», деб кетди.

ТОВУҚЛАР

Қиш пайтида бир хонадоннинг товуқларидан иккитаси ақли етмаган нарсаларга йўқ жойдан гап топиб кечгача баҳслашдилар, кейин қоринлари оч қолгани эсларига тушиб, егулик қидиришга тушдилар: ваҳоланки, қоронғи тушгач егулик қидиришнинг фойдаси йўқ эди. Тунда қаттиқ совуқ бўлиб, гийбатчи товуқлар совуққа чидолмай нобуд бўлдилар.

ТУЛКИ ВА ҚУЁН

Тулки ўрмонда ов қилиб юрганида, бирдан қуённи кўрди. Узоқдан югуриб келаётган тулкини кўрган қуён эса, уйига кириб олади. Тулки уни уйдан чиқариш учун ҳийла ишлатиб алдади: «Оёғимга бир хас суқилди, қаттиқ оғрияпти, шуни суғуриб олсанг», — деб илтимос қилганда, қуён лаққа ишониб: «Олдин кўрсат, қани?» — деб сўради. Шунда тулки: «Мана

кўр» деганида, қуён бошини уйдан сал чиқариши билан тулки қуённи тишлаб олиб еди.

ИККИТА КУЧУК

Бир хонадонда иккита кучук боқиларди. Биринчиси молхонани қўриқласа, иккинчиси уйни қўриқларди. Уй эгаси кетадиган бўлди, итларга қарашни ёш болаларига топширди. Болалар итларга овқат деб қўлларига нима тушса берардилар. Бир куни кучукларнинг бирини ошқозонига қил суқулиб қолиб, ҳеч нарса емай қўяди. Анча вақт ўтгач уй эгаси қайтиб келиб, кучукнинг аҳволини кўриб, иккаласини ҳам шифокорга олиб боради. Нима бўлганлиги ҳақида шифокор сўрай бошлади.

- Нима бўлган бунга?
- Билмайман, мен йўқ эдим.
- Нима бергандингизлар?
- Болаларим беришган.
- Қаерда ётарди?
- Олдин ўзининг уйчасида ётарди, мен кетгандан кейин болаларим бўшатишиб юборишган экан.
- Қачон бўлди?
- Келганимда шу ҳолатда ётган эди.
- Қандай ўзгарган (ҳаракатларида)?
- Олдин ҳамма кучуклардай эди, ҳозир кўраётганингиздай ўзгаргани.
- Нима, энди буни техника ёрдамида топамизми?!

ТИПРАТИКАН ВА ИТ

Бир хонадонда ит бўларди, итнинг алоҳида уйи бўлиб, ҳар доим овқатини бериб турардилар. Бир куни овқатини

типратикан еб кўйди. Ит оч қолиб, уйчаси томон келганда типратиканни кўриб жаҳли чиқди. «Ҳозир ўзини ейман», – деб югуриб келиб, тишлайман деганида оғзи қонга бурканди.

ТУЛКИ ВА КАЛАМУШ

Тропик ўрмонларда ов қилиб юрган малла тулки типратиканни кўриб ейишга ошиққанда, типратикан гужанак бўлиб олди. Тулки тишлайман деса, оғзи қонга тўлади. «Кутишдан бошқа чора йўқ», деб тулки кутаверди. Типратиканни ҳар хил ҳийла ишлатиб алдашга ҳаракат қилди. Типратикан деди:

– Ҳийлаларинг менга ўтмайди, тулки.

– Ҳийлаларим орқали «айёр тулки» деган ном олганман. Ҳаммани ҳийла орқали қопқонга туширганман ва тушираман ҳам, мен дунёдаги энг зўр ҳийлакорман, ҳеч ким мендан ҳийла ишлатишда ўтолмайди.

– Сендан ўтказиш у ёқда турсин, айнан сени ҳийла ишлатиб алдаб кетадиганлар бор.

– Кимни? Меними? Қўй, кулгимни қистатма.

– Айтсам тута оласанми?

– Ҳа, менга чўт эмас. Агар жойи маълум бўлса.

Типратикан қопчиқли каламуш яшаш жойини айтиб, тулкидан қутулди. Каламуш уйдан унча узоқ бўлмаган жойда юрганида, кузатиб юрган тулки ҳамла қилди. Каламуш сал югуриб, тулки етай- етай деганда ўзини ёнбошига худди ўлгандай ташлаб, қимир этмай тикилиб қолди. Тулки ҳайрон бўлиб, тўхтаб тикилиб қараётганда бирдан каламуш туриб югурди. Тулки эсанкираб қолди, энди югураман деса кеч, каламуш аллақачон уйига кириб кетган эди. Шунда у икки марта ҳийлага дучор бўлганини билди: бири – типратикан ростини айтиб қутулгани, иккинчиси – каламуш ҳийла

ишлатиб алдаб қочиб қутулгани. Тулки шу кунни тан олиб оч қолди.

АКУЛАЛАР ВА ДЕЛЬФИНЛАР

Акула океаннинг қайси бир четидан ярадор дўстини олиб келди. Унинг жароҳатланган жойидан чиқаётган қон акулалар иштаҳасини очди. Акулалар яраланган акулани ейишга чоғланганда дўсти қаршилиқ кўрсатди, лекин барибир еб қўйдилар. Бир кун акулалар ярадор оқбиқин дельфинни ейишга шайланаётганида қолган дельфинларнинг ҳаммаси бирлашиб, ярадор дельфинни қутқариб кетдилар. Оқбиқин дельфинлар ярадор дельфинни даволаш учун ҳар бири ёрдам беришга тайёрлигини кўрган акула: «Бизникилар ҳам шундай бўлишганида дўстим ҳозир ёнимда бўларди», — деб ўзлигидан ор қилди.

БЎРИЛАР ВА ТУЛКИЛАР

Бир ўрмонда бўриларга қарши тулкилар уруш эълон қилди. Бўрилар ва тулкиларнинг айғоқчиси бор эди. Маълумот олиш учун айғоқчи бўри тулкилар яшайдиган жойга яшириниб кузатаётганини бир тулки кўриб, шерикларини чақириб уни қувиб ушладилар ва турар жойларига олиб бордилар. Тулкилар бўриларнинг сирларини тутқундан сўрадилар, у жавоб бермаганлиги учун асирликда сақладилар. Бўрилардан қутқариш хабари чиқмагандан кейин айғоқчи бўри ҳамма сирни фош этди.

ПАЛЬМА ОЛМАХОНИ ВА ЯГУАРЛАР ОИЛАСИ

Ургочи пальма олмахони учта бола кўрди. Уларни ўзи танҳо боқиши керак, чунки оталари ташлаб кетган. Бир кун егулик

излаб юрганида узоқдан кўриниб турган ягуарлар оиласини қизиқиб кузата бошлади. Кузатув жараёнида она ягуар ҳеч кимни, ҳеч нарсани болаларига яқинлаштирмаслигини билди. Ҳатто ота ягуарнинг меҳри уйғониб болалари олдига яқинлашаётганда, она ягуар уни ҳам яқинлаштираётганини кўрган пальма олмахони: «Менинг ҳолимга тушганинда, отаси яқинлашиши у ёқда турсин, ҳатто менга ўхшаб болаларингни ташлаб овга чиқишга мажбур бўласан», – деб бошқа пальма дарахтига сакраб кетди.

СИРТЛОН, ГЕПАРД ВА ШЕРЛАР

Кўпинча сиртлон ўлжасини йўқ жойдан яшин тезлигида келган гепард ушлаб кетарди. Сиртлон гепарддан қасд олиш мақсадида ҳийла ишлатди. Шерлар олдига бориб: «Гепард сизларни ҳақоратлади», деди. Шерлар дарғазаб бўлиб, гепард олдига келдилар. Гепард бўҳтонни фош қилиш мақсадида сиртлонни топиб келди. Шунда сиртлон шерларни алдагани учун ем бўлди.

ЎРМОН ҲАЙВОНЛАРИ ВА ШЕРЛАР ГАЛАСИ

Ўрмонда қурғоқчилик бўлиб, фақат бир жойда сув қолган эди. У ерни ҳаммадан олдин шерлар эгаллаб олиб, ҳеч кимни сув ичишга яқинлаштирмасдилар. Ҳайвонлар жуда чанқаб кетишганида бирлашиб, шерларга ҳужум қилиб ўлдирдилар. Сўнгра қушлар яна қаердадир сув борлигини айтиб, ўрмон ҳайвонларини чорлаб кетдилар.

ЎРМОН ҲАЙВОНЛАРИ ВА БАҚА

Бақа ботқоқда яшаганидан норози бўлиб, доим ҳайвонларга нолиркан. Ёз палласида ҳаво ўта иссиқ бўлиб, ҳамма ерда

қурғоқчилик бошланди. Ҳайвонлар ботқоқ олдидан гала-гала бўлиб ўтаётганда бақа улардан сўради:

– Қаерга кетяпсизлар?

– Сув бор жойга!

Анча вақт ўтиб ҳайвонлар сувсизликдан йиқилаётганини кўраётган бақа: «Мен ношукур ботқоқда яшаганимдан ор қияпманми, йў-ўқ, мен ғурурланаман, фахрланаман», – деб ботқоққа шўнғиб кетди.

БЎРИ БИЛАН ТУРНА

Бўри ов қилишга ҳеч нарса қолмади деб, ёш турнани ейишга шайланганида, турна: «Мен ёшман ҳали, ема, яқинда бошқа ўлкаларга учиб кетамиз; қайтиб келганимда анча катталашиб қолган бўламан, кейин есанг бўлади», – деб учиб кетди. Бўри ўйланиб қолди: «Мен ҳам бошқа жойга бориб ов қилсам бўлади-ку, бошқа жойда ов қилишга ўлжалар кўп дейишганди», – деб бошқа ҳудудга кириб кетди. Ҳудуддаги бўрилар уни камситиб, чалажон қилиб ҳайдадилар. Сўнгра чалажон бўрини кўрган бошқа йиртқич ҳайвонлар унга ташланиб еб қўйдилар.

БЎРИЛАР ШАРТНОМАСИ

Ерларни иккига бўлиб олган бўрилар, ҳар кун бир-бирлари билан ҳудудларини катталаштириш учун жанг қиларди. Биринчи галани иккинчи гала нобуд қилиб кучсизлантирганларида кейинги юриш олди биринчи гала уларга дўстликни таклиф этди. Улар рад этиб, ўзларининг таклифларини айтдилар: «Агар сизлар ҳар кун биттадан ўлжа берсангизлар урушни тўхтамитиз, ҳудудингизга яқинлашмаймиз. Булар кўп ўйлаб, иложсизликларидан рози бўлдилар, сўнгра ҳар куни биттадан ўлжа бера бошладилар. Қурбонлар:

«Шу ватаним учун, шу халқим учун жоним фидо!» – деб борардилар. Уларни «Ўрмон қаҳрамонлари» деб атай бошладилар. Турналар бошқа ўлкалардан келганида, навбат уларга келганини айтишганда: «Бизлар сизларга ўхшаган аҳмоқ эмасмиз шунчаки жон берадиган, биз сўнгги қонимиз қолгунча курашиб жон берсак, ўшандагина ватан учун жон берган бўламиз. Олдин жон берганларни «Аҳмоқларнинг боши» деб аташ керак, – деб ўрмон ҳайвонларини бирлаштириб, ўта кучли армияга айлантирдилар ва қарамликдан озод бўлдилар.

БЎРИЛАР ҲАСАДИ

Бўрилар галаси бошқа икки ҳудуд бўриларини бир-бирлари билан уруштириш мақсадида уларнинг ўрталарига ҳар хил низолар солдилар. Охир-оқибат биринчи ҳудуднинг сардори камситилгани учун жаҳли чиқиб уруш эълон қилди. Натижада икки ҳудуд дўстлигига нуқта қўйилди: қанча бўрилар нобуд бўлди, буни интиқлик билан кутган ҳасадчи бўрилар қулай фурсатдан фойдаланиб бу икки ҳудудни босиб олдилар.

КАЛАМУШ ВА СИЧҚОН

Каламуш мушук дастидан болаларига егулик тополмай уйдан чиқди. Озиқ-овқати кўп жойни қидираётиб, йўлда сичқон билан тўқнаш келди. Кулранг каламушга савол берди.

- Ҳа, бу ерларда юрибсан?
- Ҳе, сўрама! Егулик излаб чиқдим, болаларим оч, мен оч, ташқари чиқай десам мушук оч.
- Болалардан нечта?
- Билмадим, етмиштача бўлгандир.

- Ааа ? Нимаа? Етмиштачаа?
- Ҳа, шунақа.
- Сенда-чи?
- Мен йилда етти ё саккизта туғишим мумкин, шунда ҳам шароитимга қарайман, кўтарса туғаман. Шунинг учун ҳеч қачон қийналмайман, ҳаётдан мамнун бўлиб юраман.
- Мен ҳам энди шундай йўл тутаман, деб уйига қайтиб борса, янги туғилган болалари очликдан нобуд бўлишган, қолган болаларининг кўпи мушукларга ем бўлишган.

ШЕР ВА ГНУ

Оч қолган шер овга чиқди, ўлжа қилиб гнуни узоқ пойлаб ҳужум қиламан деганида, гну сезиб қочишга шайланди. Шер орқасидан югурди, гну қочиб шердан қутулиш учун ўзини сувга ташлади. Сувдан сузиб нариги томонга ўтаётган пайтда бирдан тимсоҳ пайдо бўлиб, гнуни ушлаб еб қўйди.

ИККИ БАЛИҚЧИ ВА ИККИ БАЛИҚ

Қайиқда икки балиқчи ов қилишга чиққан экан. Биринчи балиқчи қармоқ ташлаганига икки-уч соат деганда балиқ илинди. Иккинчи балиқчи: «Сен уч соатда битта балиқ тутган бўлсанг, мен уч минутда шу турган ҳолатда тўр ташлайман, балиқ ўзи илинади», – деб мақтанди ва тўрни ташлади. Катта балиқ бир кичик балиқни таъқиб қилиб келаётганда бирдан кичик балиқ тўрга илиниб қолди. Балиқчи тўрни олиб: «Мана тезда балиқ илинтирдим», – деб ўзида йўқ хурсанд бўлди ва балиқ солинган челақка солди.

Биринчи балиқ иккинчи балиқдан сўради:

- Шунчалик осон тўрга тушдингми?
- Катта балиқ мени қуваётган пайт бирдан йўлимга тўр ташланди, илиниб қолдим, – деди.

Шунда биринчи балиқ мақтанаётган балиқчига қараб: «Меҳнатни биров қилди, ўлжани сен олдинг-да, мунча кериласан», – деди.

СИВУЧ БОЛАЛАРИ

Сивучлар болалагандан кейин озуқа топиш илинжида тез-тез денгиз томонга сузиб кетадилар. Бир кун бир она сивуч егулик қидираётиб, орқада қолиб кетди. Ёлғиз қолгани сабаб денгиз йиртқиқчларига ем бўлди. Она сивучлар қирғоққа чиқиб, бақриб овоз чиқарганларида, нобуд бўлган она сивучнинг болалари: «Ана онамиз келдилар», – деб тўдага қўшилдилар. Она сивучлар ўз болаларини ҳидлаб топади. Шунинг учун булар ёлғиз қолганларида йиғладилар, лек барибир садо чиқмади. Ахири оналарини қидириш мақсадида денгизга тушдилар, сузишни билмаганлари боис нобуд бўлдилар.

ОВЧИЛАР

Овчилар бир кун ов қилишга чиқдилар. Овчиларнинг бири оёғидан жароҳатланиб, оқсоқланиб юрадиган бўлганди. Улар ов қилиб юришганда, оқсоқланиб юрган овчининг орқасидан бўри кузатиб келаётганди. Шериклари анча орқада қолган дўстига қарасалар, унинг орқасидан бўри югуриб келаётганини кўрдилар. Оқсоқ овчига: «Югур, бўрига ем бўласан», – деганда, у шундай тез югурдики, оёғи соғломлар ҳам бунчалик югуролмаган бўлардилар. Ҳайратда қолган дўстлари... бўрини отиб ўлдирдилар.

БАЛИҚЧИ ВА ДЕЛЬФИН

Балиқчи Амазонка дарёларига тўр ташлаб кетиб, кейин қайтиб келиб тўрга илинган балиқларни олиб кетарди. Бир

дельфин дангасалик қилиб, тўрга илинган балиқларни олиб ер эди. Бир неча кун дельфиннинг омади келиб, тўрдаги балиқлардан мазза қилиб еди. Бу иш унга осон туюлгандай охирги балиқни оламан деганда тўрга илиниб қолди. Балиқчи келса, тўрда бир балиқ ва бир дельфин: балиқни қўйвориб, дельфинни уйига олиб кетди ва оиласи билан баҳам кўрди.

ҚАССОБ ВА ДЕЛЬФИНЛАР

Қассобга дельфин гўштини топиб келиши учун мўмайгина пул таклиф қилдилар. У қайиқда дельфин овлаб келиб сотадиган бўлди. Бир кун дельфин овлашга чиққанида шамол туриб, дарё тўлқинлари қассобни қайиқдан йиқитди. Қассоб сузишни билмасди, сувда чўкаётган одамни кўрган дельфинлар «қассобни» қирғоқгача олиб чиқиб қўйдилар. Бир ўлимдан қайтган қассоб минг пушаймонлар қилиб бошқа дельфин овламасликка онт ичди.

МУШУК ТАРБИЯСИ

Бир хонадонда жуда чиройли, лекин тартибсиз ва дангаса мушук бор эди. Уй эгаси ҳайдайман деса, чиройлилиги учун болалари йўқ дейишарди. У тўғри келган жойда ишини қилиб кетаверарди, овқатини товоғидан тўкиб овқатланарди, ҳатто сичқон ҳам овламасди. Болаларнинг отаси мушукка атаб бир видеоролик олиб келди. Мушукни диван устига ётқизиб, дискни қўйиб чиқиб кетди. Мушук телевизордан худди ўзига ўхшаш мушукни жазоланаётганини кўрди. Унда мушук нима хато қилса, ит уни тишлаб қўярди. Дискни кўрган мушук ҳовлига чиқса, худди дискда кўрган ит ҳовлида турарди. Кейин мушук нима иш қилса, телевизорда кўргандек қиладиган бўлди. «Агар хато қилсам ҳовлида турган ит мени ҳам тишлайди», — деб кўрқиб-кўрқиб ҳамма ишни айтгандек бажарадиган бўлиб қолди.

МУШУК БИЛАН КУЧУК

Бир хонадонда ҳам мушук, ҳам кучук бор эди. Уларнинг ҳар бири ўз вазифасини яхши бажарарди. Кучук уйни қўриқласа, мушук уйни сичқонлардан тозалаб юрарди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди, бир кун қўшни хонадоннинг гўштини сават тагидан ўғри мушуклар олиб кетди. Қўшниси бу ўғрилиқни қўшни мушук қилган деб даъво қилиб вайсади. Кейин бу хабар бутун кўчага тарқалди. Уй эгаси: «Мушугим номимга доғ туширди», деб мушукни тергади. Мушукнинг тили йўқки, «Мен қилмадим — деб айтса, кўча айланадан — деса, бошқа мушуклар унинг ғийбатини қилар, яна шунга ўхшаш ўғрилиқлар бўлса фақат шу мушук қилган», — деб айтардилар. Мушук гуноҳкор бўлмаса ҳам уларнинг гапидан ўзини олиб қочарди. Кучук унинг қилмаганини биларди, шунинг учун унга далда берарди: «Сен уларнинг гапига эътибор берма, ўзингга ва йўлингга тўғри бўлсанг бўлгани», — дер эди. Мушук эса эзиларди. Уйга меҳмон келса, уларга кўринмасликка ҳаракат қиларди, чунки унга бир бошқа мушук шундай маслаҳат берганди, яна бошқаси, кўчага чиқма, чиқсанг кўриб қолишса яширин ёки яшириниб юр, — деган маслаҳатлар берганди. Кучук улар берган маслаҳатни рад этиб: «Шахсан ўзинг нима қилишни режалаштир, ҳеч қачон бировларнинг гаплари билан иш тута кўрма», — деб маслаҳат берарди. Мушук борган сари хаёли паришон, ғам-ғуссага ботган, режасиз-мақсадсиз яшашни давом этарди. Бундай яшашнинг натижасида у ҳеч бир иш қилишга иштиёқи қолмаганди ва шу билан бирга сичқон овлашга ҳам парвоси келмасди. Уйда сичқонлар кўпайиб, ҳамма жойни тешиб ташаётганини кўрган уй эгаси мушукдан нолий бошлади. Бу ҳолатни кўриб турган кучук уни яна яхшилиқка чорлайдиган гаплар билан авраб далда берди. У: «Нима қилай, кўчага чиқсам ғийбат қилишса, уйда бемалол юраман десам, ўша гапни

айтишса, — деб нолиди, яна ўзгармапсан-ку, яна қаердаги гаплардан қочиб ё қулоқ солиб иш қилишингни давом эттиряпсанми ҳали, бундай ҳаракатинг хато, ўзинг интилсанг келажагинг сари ҳаммаси бошқача бўлади», — деди. Мушук эса хомушлигича ётарди, сичқонлар бўлса мушук йўқлигидан фойдаланиб ҳамма жойни титардилар, охир-оқибат уй эгаси мушукни ҳайдаб, бошқа мушук олишга мажбур бўлди.

АРАВАН БАЛИҚ ВА КАТТА БАЛИҚХҲҶРЛАР

Араван балиқ болаларини оғзида олиб юради ва вақти-вақти билан уларни чиқариб туради. Катта балиқххҶр бир кичкинагина балиқчани таъқиб қилаётганда араван болаларини хавфдан озод қилиш мақсадида оғзини катта очиб тез киришини кутади ва шу пайтда балиқча араван болаларига қўшилиб кириб кетди. Катта балиқххҶр араванга: «Ўлжамни бер, биламан емайсан, болаларинг орасида менинг ўлжам турибди, чиқариб бер, — деди, араван кўнмади, балиқххҶрлар тўдалашиб мажбурлатиб болаларингни ҳам еймиз, — деганда араван балиғи, болаларимга тегмайсизлар», — деб шарт қўйиб, оғзини очди. Араван болалари «вақти келибди чиқишни» деб, ҳаммаси ота оғзидан чиқди, ташқаридан хабарлари йўқ балиқчалар кўпи балиқххҶрларга ем бўлдилар. Ваҳоланки, майда қочоқ балиқча кутиб туриб, қочиб кетади.

ПАШША БИЛАН ЎРГИМЧАК

Пашша кўп қон шимгандан оғирлашиб, учишига қийинлик қилаётган эди. Пашша чарчаган, қорин тўқ, гам йўқ, шунинг учун маза қилиб ўтирадиган жой танламоқчи бўлиб қидира бошлади. Бу жойга ўтирди ёқмади, у жойга ўтирди ёқмади. Ахири нима бўлса бўлсин деб тўғри келган жойга қўнди. Энди нафасини ростлаб атрофга қарайман деса, буни бошидан кузатиб турган ўргимчак ушлаб олди.

ИККИТА ЧИВИН

Иккита чивин ким тез учади деб тортишдилар, кейин гаров ўйнаб пойга ўйнашга келишдилар. Иккаласи бир-биридан қолишмай, бир-бирига халал бериб учиб борардилар. Улар бир-бирига қараб: «Ўтиб бўлибсан мендан, қани бор кучингни ишга сол», – деб янада тез учаман деганларида, ўргимчак тўрига ёпишиб қолдилар. Иккала чивин қанча дод-вой қилиб кучансалар ҳам тўрдан халос бўлолмасдилар, уларга қараб келаётган ажаллари тобора яқинлашарди, қанча нолишлар, афсусланишлар қилсалар ҳам ўргимчакка барибир эди.

ҚАРЧИҒАЙЛАР

Йўл-йўл қарчиғайлар ўта абжир ва йиртқич бўлишлари учун ота-оналари ёшлигидан ростмана уруштириб турарканлар. Тўдани ҳар кун синовдан ўтказиб, ўтмаганини тўдадан бадарға қиларканлар. Маълумки, ҳар бир тўдада фақат битта зўри бўлади. Қарчиғайлар тўдасида ҳам синовдан фақат биттаси йиртқич ва абжир деган номни олди. Қолган тенгдошларини, дўстларини бадарға қилган қарчиғай шундай деди: «Битта ном учун шунча дўстларимдан воз кечдим, абжир бўлгандан кўра улар қаторида бадарға бўлганим афзал эди», – деб афсусланди.

ОНА ПИНГВИНЛАР

Қирғоқда пингвинлар болаларини овқатлантираётган пайтда бир қарчиғай пингвинлар ичидан қайси бирининг тагидан боласини олиб бўладиганни аниқлаб турганида, она пингвинлар нияти бузуқлигини, душманлигини билсалар ҳам жим ўтиришардилар. Қарчиғай улар орасидан югуриб келиб, тепасида онаси турган пингвинчани олиб қочди. Учиб кетаётганда она пингвинлар, хайрият, менинг боламини олмади

дедилар-у, лекин келаси сафар ўзининг боласи бўлишини ўйламасдилар. Ваҳоланки, шундай бўлиши аниқ эди.

ҚОВОҚАРИЛАР БИЛАН АСАЛАРИЛАР

Қовоқарилар озуқа изланаётганда асалариларнинг уйини топдилар. Минглаб асаларини ўнлаб қовоқарилар қириб ташладилар. Уларни еб тугатгандан кейин айрим янги авлод асалариларни ҳам қиришга тушдилар. Айримларини суғуриб олиб, ўз уйларига олиб кетдилар. Улар ҳам пиллага айланиб, кейин эса қовоқариларга ака-сингил бўлиб улғайдилар. Энди улар асаларимас, жаллод қовоқарилар изидан бориб, ўз қариндошларини қириб кетавердилар.

ДАЙДИ ИТ БИЛАН ХОНАКИ ИТ

Бир кечаси дайди ит кўчада оч юрганида, бир дарвоза тагида ўтирган итга кўзи тушиб яқинлашиб дўст тутинишни таклиф қилди. Унинг мақсадини билиш учун бирдан «Орзунг нима?» - деб сўради. Дайди ит жавоб қилди:

- Шерга айланиш.
- Шер бўлсанг нима қилардинг?
- Молхонадаги ҳамма молларни, ҳатто, мол қолмаса, одамларни ҳам еб кетаверардим, ҳеч оч қолмасдим. Шунда хонаки ит: «Ўзингни ғажиб ўлдирмасимдан қоч», – деб қувиб юборди.

ЙЎЛОВЧИ БИЛАН ҚОНХЎР ИТ

Йўловчи йўлда келаётганда, бир чиройли ит йўл четида офтобда ётарди. Йўловчи бу ит оч қолиб йўл лабида ётибди деб ўйлаб, нон бериш учун яқинлашди ва ўзим билан олиб

кетсаммикан, деб бошини силамоқчи бўлганди, қонхўр ит бирдан қўлини тишлаб олди.

ИККИ МАЖРУҲ ШИМПАНЗЕ

Ов қилаётганда қўли қопқонга тушиб қутулган шимпанзенинг қўли охири ишламай қолди. Шундан кейин ҳаётидан норози бўлиб, қабиладошларига умуман яқинлашмади, кўмаклашмади, худди улар сабаб бўлгандай уларга нисбатан бемехр бўлиб қолди. Бир кун бошқа қабила билан бирлашдилар, у қабилада оёғи мажруҳ шимпанзе бор эди, ҳаммаси унга қаради: у дарахтга чиқаман деса йиқилади, бошқа шохга сакрайман деса, ушлолмай йиқиларди. Тўсатдан булардан қўли мажруҳ шимпанзе унинг олдига бориб, дарахтга чиқишида ёрдам бериб, ҳатто мева ҳам узиб берди. Шунда бутун қабила уни кўриб, ҳайрон бўлиб қолишди.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ МАЙМУНЛАР

Ҳайвонот боғига бир маймунни олиб келиб, қафасга қўйвордилар. У бундай шароитга ўрганолмай қаттиқ эзилди. Буни кўриб турган маймунлар: «Сен тақдирга тан бериб, шароитга кўникишга ҳаракат қил, эзилаётган пайтинг ана у ерда эллик йилдан бери кичкина қафасда турган қарғага қараб қўй, яна икки юз эллик йил шундай туришини ўйлаб, хулоса чиқар», – деб маслаҳат бердилар. Шундан кейин у ҳар сафар қарғага қараб қафаснинг у четига, бу четига сакраб, мослашиб кетди.

ҚУЁН ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

Қуён уйда туриб, болаларига тарбия бераётганда қуёнчалар савол берди.

– Сиз бизга: «Бўрини, тулкини кўрганларингда уйга қочинглар», – деб тарбия беряпсиз. Улардан сиз ҳам кўрқасизми?

– Йўқ, кўрқмайман, – деб гурур билан жавоб берди.

Бир кун озуқа излаб чиққанда, тўсатдан бўрининг увиллашини эшитди. Қуён кўрққанидан дарҳол уйга югуриб кирди ва болаларига ҳаяжонланиб: «Уйдан чиқманглар, бўри келяпти», – деб айтди.

АКВАРИУМДАГИ БАЛИҚ

Ҳайвонот боғидаги аквариумларда кўп балиқлар боқиларди. Балиқларнинг кўпи шу ерда туғилиб катта бўлишган. Балиқчалар катта бўлган сари оналаридан кўпроқ сўрай бошладилар.

– Бизнинг уйимиз, ҳаётимиз, дунёмиз шуми?

– Ҳа, шу тўртбурчак уйда ҳаёт кечирамиз, дунёмиз мана шу аквариумлар жойлашган хона.

– Бизни нега кўп киши томоша қилади-ю, бир киши овқат беради?

– Мен ҳам ёшлигимдан шундай ўсганман. Кўп киши кириб томоша қилиб кетади, менимча, чиройлигимиз учундир. Бир киши овқат бериши, бу тўртбурчак ҳаётда яшашимизга ёрдам берган шу дунё худосидир. Ҳам нон беради, ҳам жон олади.

– Бизни ҳам ўлдирадими?

– Билмадим, қариларни аквариумдан олиб кетади. У ёғи бизга қоронғи, ўлдирса керак деб ўйлаймиз. Вақт ўтиб худди шу она балиқни кексайгани ва ўрнини ёш балиқлар олгани учун обориб денгизга ташладилар. Денгизга тушган она балиқнинг фикрлаши ўзгара бошлади, денгизни сузиб айлана борган сари дунёқараши кенгайиб буткул ўзгарди. Биринчи бўлиб: «Дунёни сув остида сузиб айланса бўлади», – деган

ғояни айтди ва саёҳатни бошлади, охири кўп ерларни кезиб бир жойга чарчаб тўхтади. Кейин хотирасига назар солиб, аквариумдаги дунёқарашини океандаги дунёқарашига солиштирса, ўша пайт дунёдаги энг нодон балиқ бўлганини англаб етди. Худо деб ўйлаган балиқчини тутқунликда сақлагани учун қарғади.

КУЧУК БИЛАН МУШУК

Кучук билан мушук бир уйда яшар экан. Улар уйда ўзларининг қонун-қоидаларига итоат этиб ҳаракат қилар эканлар. Аммо бир кун мушук оч болаларини ўйлаб, қонун-қоидани бузиб қўйди. Кейинчалик кучук пайқаб қолди, шунда уни уйдан қувиб юборди. Мушук бир неча бор кечирим сўраб келса ҳам, уни қувиб юбораверди. Уйда ўрганган, одамларини севган мушукка ажралиш азоб эди, лекин кучук уни барчага чидаб бўлмас ёлғон тухматлар қилиб ёмонлагани учун дунёнинг маънавий азобини тортиб эзилди. Шунга ҳам ажралишни истамай яна бошини эгиб, охири марта кечирим сўраб борди. Яна кучук қатъий рад этганда мушук: «Сен ҳам, мен ҳам, ўрнимиз ҳам вақтинча, бугун мен хато қилдим, эртага сен хато қиласан, чунки фақат беайб парвардигор», – деб уйдан бутунлай чиқиб кетди. Бир кун келиб кучук уйдаги энг азиз ва энг қимматли нарсани синдиргани учун уй эгаси уриб-уриб уйдан ҳайдаб чиқарди. Кучук бир неча бор думини ликиллатиб келса ҳам яна уриб уйдан чиқариб ҳайдадилар. Шунда кучук: «Мушук ҳолини энди тушундим, ҳали тухматларсиз шунча азоб бўлса, қолганига чидолмайман», – деб афсуслар қилди.

ГЕНЕРАЛ БЎРИ

Бўрилар армиясида энг қаттиқ қўли генерал эди. У солдатларига ҳар хил қийин спорт машқларини бажартирарди.

Агар биронтаси хато қилгудек бўлса, хатосини оқлашга бир ҳафта қийналарди. Генералнинг тўрт ўғли бўлгани учун уларни ҳам ҳарбий қилишга интиптирарди. Аммо худди армиядаги муомаласи, қаттиққўллиги уйида ҳам ўзгармасди. Ёшлигидан чиниқсин, деб қийин машқларни қилдиртирарди, агар эплотмаса, уриб-уриб яна ундан оғир машқларни қилдирарди. Болалар: «Ҳарбий бўлсам мен ҳам қаттиққўл, бемехр бўлиб кетаман», – деб ҳарбийликни ёмон кўра бошлашди. Бир кун генерал ўғилларидан: «Ким бўласизлар?» – деб сўраганда, ҳаммаси бирданига, «фақат ҳарбий бўлмаймиз, бошқа ҳар нарса бўлаверамиз», – деб жавоб қилганларида, отаси уриб-қийнаб сабабини сўрайди, шунда улар: «Мана шу ҳолат саволингизга жавоб бўлади», – деб қочиб кетдилар.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ МАЙМУНЛАР

Ҳайвонот боғидаги маймунларга жавобгар шахс бир куни ичиб келиб мастликда маймунлар билан ўйнагиси келди. Ўзига ёққан маймунни ўртага олиб ўйнаётганида, маймун уни йиқитиб қўйди. Мастнинг жаҳли чиқиб, маймунни ура бошлади. Буни кўриб турган маймунларнинг жаҳли чиқиб, дод-вой солдилар. У маст ҳолатда: «Се-ен ме-е-ни йиқитдингми?» – деб яна ураверди. Шу пайтда катта куч билан жаҳл устида горилла қафасдан чиқиб келди ва маст одамни ҳовуридан тушгунча копток қилди. Эртаси куни овоза бўлди ва олимлар: «Горилла қафасни қандай буза олди?» – деган саволни кўйиб, текшира бошладилар.

МУШУК БИЛАН ЧУМОЛИ

Бир уйда дангаса мушук бор эди, у доим ўзи хоҳлаган жойда чўзилиб ётарди, ҳеч нарса уни безовта қилмасди, ҳатто уй эгаси ҳам. Бир кун офтобда чўзилиб ётганда тагидан бир

нарса қимир этганини сезиб турди, қараса, чумоли. Энди панжаси билан босаман деганда, чумоли: «Ҳей, шошма мушук, агар ақлинг етса ўйлаб кўр: еганинг ёки босиб ўлдирганинг билан зиғирча фойда топмайсан, ундан кўра бор, сичқонларни тутиб егин», — деганда, мушук: «Сен менга маслаҳат беряпсанми ? Ундан кўра уйқумни бузганинг учун узр сўра, сен ҳам уйингда ётсанг бўлмасмиди менга ўхшаб, ҳозирда мен ҳам, сизлар ҳам маза қилиб дам олиб ётган бўлардик», — деб айтганида, чумоли: «Ҳе, аттанг, биз ҳали мушуклар ақли, изланувчан, — деб ўйлаб юрардик. Ҳозир ёз пайти, егулик йиғмасак, эрта қишда оч қоламиз, сенга бўлса хўжайининг нон бериб туради, бизга ким беради? Ҳеч ким, ўзимиз топишимиз керак, қишда бўлса ҳеч вақо қолмайди, шунинг учун ғамлаб кўйишимиз керак. Сенга маслаҳатим, уйдаги сичқонларни тутиб, хўжайининг олдига обориб ўйнаб-ўйнаб егин, кейин сенга бўлган эътибори янада ошади, бундай ётсанг вақти келиб сени ҳайдади бўлмаса, ўрнингга бошқа мушук олади, кейин уйсиз, нонсиз қолиб, ўн баробар қийналасан», — деди. Мушук офтобда чўзилишни афзал кўриб, ётишни давом эттирди. Уй эгаси бирин-кетин пишган ғаллаларни ғамлай бошлади, ғалла кўпайган сари сичқонлар ҳам кўпая бошлади. Уй эгаси сезгандан кейин, сичқонларни тутиб есин деб, мушукка кам нон бера бошлади. Уч-тўрт кундан сўнг яна ғалладан хабар олгани борса, чумолилар сичқон тешган халталардан тўкилаётган дон-дунларни уйига ташиётганини кўриб: «Бу сени айбинг, агар сичқонларни пойлаб тутганинда эди, ғаллам билан халталарим нобуд бўлмасди», — деб мушукни оёғи билан тепиб уйдан ҳайдади. Буни кўрган чумолилар: «Қулоқ солмадинг, уйқуни афзал кўрдинг, эътибор беришларининг сабабини, мағзини чақмадинг, текин нон қуёшда чўзилиш учун берилмаганини англамадинг, дангасалик ахийри бошинга етди», — деб яна ғалла йиғишни давом эттирдилар.

ЭЧКИЛАР ВА ИТ

Чўпон подани тоғ яйловларида ва қир-адирларда ит билан ўтлатиб юрарди. Подада қўчқору қўйлар ва такаю эчкилар бор эди, така эчкиларни, қўчқор қўйларни назорат қиларди, уларни эса ит билан чўпон бошқарарди. Бир кун ит бўрилар келаётганини, подани ёр оғзига бошлаб боришни айтганда, эчкилар галаси талвасага тушиб, ҳар қаёққа қочдилар: эчкиларнинг ҳар бири тутулиб ем бўлдилар, така ўша пайт пода томонга қараса, қўйлар ёрда, ит ва қўчқор ёр оғзида, ёнларида чўпон қурол билан турган эди. Кеч бўлганлигини ўзи сезган бўлса ҳам ёр томон югуришга отланган пайт битта бўри бўйнидан тишлаб олди.

ОТ БИЛАН ЧАВАНДОЗ

От пойгасида бир от орқада қолиб кетаётганда чавандоз отига: «Агар ўзиб кетсанг, арпангни икки баравар кўп бераман, қолиб кетсанг, емишсиз қоласан», — деганда от бор кучи билан чопиб ўзиб кетди. Келаси пойгада кучли ва тезчопар отлар йиғилгани учун яна орқада қолаётганда чавандоз: «Шу пойгада ютсанг янги эгар олиб бераман, ютқазсанг тақаларингни ўрнига мих қоқаман», — деганида от шамолдай чопиб, биринчи бўлиб келди. Аммо чавандоз янги эгар олиб бермади. Бир кун эгаси гаров уриб отини пойга қилди, минг ваъда бермасин, оти ютқазиб қўйди.

ЎҒРИ ТОВУҚЛАР

Товуқлар пахса деворга чиқса, бир катта узум боғи бор экан. Улар узум ўғирлаб ейишга келишдилар. Бир товуқ

ишлаётган боғбон кетганини айтгандан кейин ҳамма товуқлар боғга тушиб узумини ея бошладилар. Бирдан боғбон пайдо бўлиб, битта товуқни таёқ билан уриб ўлдирди. Қолган товуқлар: «Боғнинг қоровули ҳам бор экан», — деб пахса девордан ўтиб кетиб, қайтиб ўтмайдиган бўлдилар.

ИШСИЗ ҚОЛГАН ЭШАК

Бир хонадонда эшак қадрланар ва яхши боқиларди, чунки ҳамма оғир ишни эшак-аравада бажарардилар. Уй эгаси пул йиғиб янги машина сотиб олди. Кейин ҳамма ишларни машинада бажара бошлади, эшакка иш қолмади, ҳеч ким унинг олдига бормади қўйди. «Ишлатмаяпмиз-ку» — деб емиш ҳам кам бера бошладилар. Эшак: «Қадрим қолмади, анчадан бери кўчани кўрганим йўқ, оёқларим юрмаганидан, югурмаганидан жовдираб қоляпти», — деб ич-ичидан эзилиб йиғларди. Бир ой демасдан эшакнинг тўртта суяги кўриниб қолди. Уйдагилар ўлиб қолмасин деб, бозорга олиб чиқиб сотиб юбордилар. Бозор қилиб қайтаётганда йўлда янги машинаси бузилиб қолди, машинаси олдида хомуш ўтирганида, эшаги янги эгаси билан югуриб ўтди. Шундан кейин доим машинаси бузилиб турадиган бўлди. Шунда у, эшагимнинг қарғиши тегди, — деб афсусланди.

ҲАЗИЛКАШ МАЙМУН

Маймунлар ичида ҳамма билан ўйнаб ҳазил қиладиган бир ҳазилкаш маймун бор эди. Унинг ҳазилларини барча тўда маймунлари кўтарардилар. Бир кун гориллалар ёнига бориб ҳазил қилиб ўйнагиси келди ва бир гориллага осилиб олди. Горилла унинг бу ҳазилини кўтармай, маймунни катта куч билан олиб дарахтга урди ва майиб қилиб қўйди.

ВАҲШИЙ АСАЛАРИЛАР

Ваҳший асаларилар энди ўлжа излашга чиқаётган асалариларга: «Ҳеч нарсадан қўрқманглар, катта ёки хавфли ўлжа деб қўрқманглар, ўзларингиз ёлғиз топсаларинг ҳам қўрқманглар, нишларингни санчинглар тамом, биз сизларни ўзимиз ҳидларингиздан топиб оламиз», — деб чиқариб юбордилар. Биттаси юз метр нарида юриб кетаётган одамни кўриб санчди, тезликда оғриқ пайдо бўлган жойни қўли билан уриб гижимлаб ташлаб қараса, ваҳший асалари. Нима бўлишини англаган одам югуриб қочиб кетди. Ваҳший асаларилар келса, аллақачон шериклари ўлган.

ЗЎР ОРҚАСИДАН ЗЎРЛАНИШ

Маҳаллада бир қорабой деган ит бор эди, ундан маҳалланинг барча итлари қўрқарди. Шунингдек, ҳеч бир иш қўлидан келмайдиган, қўрқоқ ва ҳеч кими бўлмаган бир лаганбардор ити ҳам бўларди. У қўлга тушган пайт: «Мен қорабойлардан бўламан», — деб қўрқитиб қутулиб қоларди. Бир кун «қорабой» сўзига ишониб, бошқа маҳаллаларга ўтиб кетди, уни дайди итлар ўраб олишганда: «Мен қорабойлардан бўламан», — деганида, дайди итлар кулиб: «Биз уни танитаймиз, танитаймизда ҳам, боласи бўлганингда ҳам бизга фарқи йўқ», — деб ғажиб ташладилар.

ИККИТА ҚЎЧҚОР

Яйловда иккита қўчқор, кимнинг шохи бақувват, деб баҳслаша кетдилар. Биринчисининг шохи узун ва зулф шаклида эди, иккинчисининг шохи эса калтагина, аммо қалин эди. Улар келишолмай, қўйларни овоз беришга чорладилар. Қўйлар бир овозга биринчисини бақувват ва узун

деб айтдилар. Шунда иккинчи қўчқорнинг газаби қайнаб, уни ура бошлади. Икки қўчқор калла уруштириш учун ҳар бири орқама-орқа узоқлашди ва бирдан бир-бирига қараб югуриб келди. Шохи калта шохи узуннинг бир томонига зарб билан урганда, шохи синиб йиқилди. Икки шохи икки хил бўлган қўчқорни кўрган қўйлар унинг устидан кулдилар. Шунда калта шохли қўчқор: «Шох қанча узун бўлса, шунча нозик бўлади», – деб кетди.

КАСБ АЛМАШТИРИШ

Ит вовуллашдан, мушук овлашдан чарчабди, кейин касбларини алмаштиришга келишибдилар. Сен сичқон овласанг, вовулламайсан, мен уйни қўриқласам овламайман. Сен сичқон овлаб есанг, мен уйни қўриқлаганим учун берган овқатни ейман. Ҳаммаси зўр бўлади деб, ишга киришибдилар. Ит сичқонни кўриши билан ана ўғри чиқди деб вовуллаб қўяркан, мушук эса дарвозадан кирган одамни мана сичқон деб, юзига панжа ураркан. Бу ҳолатни кўрган ҳар бир жонзот устларидан роса кулибдилар, хўжайинлари эса уларни эсидан оғган деб, уйдан қувиб юборди.

ТОМОШАБИН ЭЧКИЛАР

Эчки ва қўйларни машинага ортишаётганда эчкилар: «Биз кўпқари томоша қилишга кетяпмиз», – деб хурсанд бўлдилар. Уларни соврин сифатида кўпқари майдонининг бош саҳна ёнида қўйдилар. Томоша бошлангач эчкилар келганларидан пушаймон бўлиб йиғлай бошладилар: ўз оилаларидан бўлган эчкини сўйиб, териси ичига туз солиб, «Кўпқари улоғи» қилиб, одамлар отлар билан у ёғидан-бу ёғидан тортиб, ерга ташлаб, отлари билан босиб кетаётганини кўрганлари учун.

СЎЙИЛАДИГАН ҚЎЙ

Битта қўйни подадан айириб, унга кўп овқат бера бошладилар. У подага қараб: «Мени ёқтириб қолдилар, сизларни эмас мени танладилар, омад менга кулиб боқди, мен бахтли ҳаёт кечиряпман», — деб мақтанди. Қўй семирганидан кейин унинг уч оёғини боғлаб, бошини пода томонга қилиб ётқиздилар, қассоб пичоқни тезлаётганда сўйилишини билиб подага қараб: «Мен хурсанд бўлиб мақтанганим сизлардан олдин ўлишимга экан», — деб кечиримли, маъюс кўз ёш билан мангу кетди.

ҲАЛОКАТГА УЧРАГАН ОДАМ

Йўлда бораётган машинанинг рули ишламай, дарахтга бориб қаттиқ урилди. Ҳайдовчи жароҳатлангани учун «ТЕЗ ЁРДАМ»га телефон қилиб тезда келишларини, бўлмаса ўлиб қолишини айтди. Дод-вой солаётганда бир ваҳший асалари келиб чақди, у ҳам: «Ўлаётган одамни чақасанми?» — деб босиб ўлдирди. Шунда икки дақиқа ўтмасдан ваҳший асаларининг бутун галаси етиб келди ва жароҳатланган одамни талади.

ЖАНГАРИ ҚЎЧҚОР

Подада эликтача қўчқор бўлиб, ичида доим уруш қилиб турадиган жангари қўчқор бор эди. Чўпон: «Подани ҳар доим бузиб туради, кел, шу қўчқорни боғлаб қўйсам зора тинчланиб ўтласа», — деб подадан айириб қўйди. Доим урушиб, яйловда ўтлаб юрган қўчқор арқонни узаман деб, ҳар томонга айланиб, ўралиб қолди. Чўпон келгунча нафаси бўғилиб ҳаром ўлди.

МАНСАБПАРАСТ ОТА-ОНА

Оиланинг чиройли ва ақлли икки қизи бор эди. Ота-она биринчи қизини камбағалроқ севган йигитига бериб, бир арзигулик манфаат кўрмагандан кейин, иккинчи қизларини мажбурлаб бой йигитга бердилар. Анча вақтдан кейин икки қизлари ота-онасини кўришга келдилар. Биринчиси ота-онасини қучоқлаб йиғлаб: «Соғиндим отажон, онажон раҳмат», – дебди, иккинчиси ҳам ота-онасини «қаттиқ» қучоқлаб йиғлаб, «соғиндим» отажоним, онажоним» – деб ўз «раҳмат»ларини айтди. Сал вақт ўтгандан кейин биринчи қизи: «Уй юмушларим кўп, ҳали овқат қилишим керак», – деб хайрлашиб кетди, иккинчи қизи: «Отажон, онажон, энди мен сизларга ҳар доим ўзим овқат қилиб бераман», – деб ошхонага кириб кетди.

ҚУЁННИНГ КАРАМИ

Қуён парваришлаб сотиб кун кўрадиган қуёнбоқарда бир нечта қуён бор эди. Қуёнларни ҳар хил егуликлар билан парваришлаб борарди, лекин қуёнлар сардори ҳеч тўймас эди. Бир кун катта карам ташлайди, уни сардор олиб биронтасига бермади, бу ҳолатни кўрган қуёнбоқар уни боғлаб қўйиб овқат бермади. Шунда қуёнларнинг раҳми келиб, унга ўзи бермаган карамдан бердилар.

РЕКОРД ЎРНАТИШ

Бир одам жайдари қўйнинг (беш юз килограммли қилиб) думбасини ерга теккизиб рекорд ўрнатаман деб, уни чин дилдан парваришлай бошлади. Кундан-кунга семириб, катталашиб кетаверди. Уйдаги бор-будини, ўзидаги ўй-хаёлини рекорд қўйишга бағишлагани учун овқатни кундан-

кунга ошириб бораверди, натижада бир куни жайдари қўйнинг думбаси ҳаддан зиёд семирганидан ёрилиб қолди. Овқатни янада қўп қилиб олиб келса, жайдари қўй аллақачон ўлиб қолган эди.

«АЙБЛАНГАН» МУШУК

Хўроз девордан ошиб қўшни уйга ўтиб кетди. Қўшниси хўроздан қутулиш мақсадида ушлаб сўяди. Ўғрига чиқармасликлари ва шубҳа уйғотмаслик учун бошини қўшни мушукка отиб юборди. Мушук ҳам уни ҳовли ўртасига олиб еяверди. Бирдан хўрознинг бошини мушук оғзида гажиб турганини кўрган хўжайини, жаҳл билан мушукни уриб уйдан қувиб юборди. Шунда мушук: «Ақлли ўғри» мен ақлсизни алдаб айбламоқчи бўлибди-да», — деб хатосини тушунди.

МАЙМУНЧА ҚАБУЛХОНАДА

Бир маймун боласи, ўз муаммосини ота-онасига айтмасдан ҳал қилиш мақсадида бўрилар сардори ҳузурига боради ва қабулхонасида уни кутиб турди. Навбати келса ҳам ундан кейин келган ҳайвонлар кириб чиқаверди. Бир пайт тулки келиб, нима сабабдан келганини сўраб дебди: «Яхшиси, сўрамай кетганинг маъқул, бўрининг жаҳли ёмон». Бир оздан сўнг бўрининг ўзи чиқиб: «Нима, сен ўзингни ақлли деб ўйлайсанми? Бир ўзинг келибсан», — деб қабул қилмай ҳайдаб юборди. Худди шу зайлда эртаси куни бўри қирол шерни кутарди.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Тоғ эчкиси боласига тошдан-тошга сакрашни ўргатаётганда, боласи онасига қараб: «Мен ҳам сиздай

сакрайман», – деб, катта масофага сакрамоқчи бўлиб, сирпаниб йиқилди. Шунда онаси: «Аста-аста ва катта бўлганинг сари ўрганасан», – деса ҳам яна ўз билганидан қолмади. Яхши сакрашни ўрганган ёш тоғ эчкиси: «Энди мен ота-онамдай сакрайман», – деб катта-катта тошларга сакрашга ўтди ва охир-оқибат бир куни энг баланд қоядан қояга сакрайман деганида, оёғи етмай йиқилиб, ўлиб қолди.

ҲАЙВОНЛАР ЧЕГАРАСИ

Қандайдир бир сабаб билан қуруқликда яшовчи ҳайвонлар сувда яшовчи ҳайвонлар билан урушмоқчи бўлиб қирғоққа тўпландилар. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлардан икки томон ҳам қайси томонга ўтишларини сўрадилар. Шунда улар: «Бизни икки ҳаётимиз бор: улар бир-бирисиз яшолмайдилар, ҳозир бир ҳаётни танлашни таклиф қиляпсизлар – бу бизга ўлим тилашдир. Ваҳоланки, бизларсиз на сизлар, на улар қуруқликка чиқиб уруша оладилар. Шундай экан, биз сизларнинг чегараларингиз ҳисобланамиз», – деб жавоб берганларида икки томон ҳам лол қолдилар. Улар: «Шунга ақлимиз етмабди биз нодонларни, уятдамиз», – деб ҳаммалари тарқалиб кетдилар.

ТУЛКИ, БЎРИ ВА БУРГУТ

Бўрининг ови юришмаганидан у тулкига бирга ов қилишни ва ўлжани тенг иккига бўлишни айтиб, уни шерик қилиб олади. Улар биргалашиб анча вақт ўлжа қидирдилар, лекин тополмадилар. Кейин улар бургутни шерикликка чорлаб, ўлжани тенг уч қисмга бўлишларини ваъда қилдилар. Бўри: «Тулкини найрангдорлиги учун, бургутни кўзи ўткир бўлгани учун шерикликка чорладим: бургут ўлжа қаердалигини айтса, тулки қандай тутиш йўлини айтади, – деб ўзига-ўзи бугун

оч қолмайман», – деб хурсанд бўлди. Тулки: «Бургут ўлжани айтса, бўри биттага-битта ушлайди, насиб бўлса оч қолмайман» – деб хурсанд бўлди. Бургут ҳам: «Ўлжани қаердалигини айтсам бўлди экан-ку, сўнгра уч кун ов қилмасам ҳам оч қолмайман», – деб мамнун бўлиб ўлжа излашга кетди. Ниҳоят ўлжа топилди, ўлжани тутганларидан сўнг оч бўрининг нафси қўзғаб биронтасига ўз улушини бермай еб қўйди. Шунда улар: «Йўқ нарсани еймиз деб хурсанд бўлиб юрган эканмиз-да», – деб афсусланиб кетишди.

ШОХДОР ҚЎЧҚОР

Қирда икки пода ўтлаб юрганида биринчи подадаги шохдор қўчқор атайлаб хумори тутиб иккинчи подадаги ёш қўчқорни уриб йиқитди. Кейин билса подада ўзидан икки баравар зўр қўчқорларнинг тўрттаси уни жазолашга қидириб келаётган эканлар. Шохдор қўчқор қўрққанидан нима қилишини билмай ўзини яширишга уринди, аммо шохдорлиги барибир билинтириб турарди. Шунда у шохини кесиб ташлаб, ўзини қўйлар орасига уриб қўйдаё ўтлаб юра бошлади. Бошидан оқаётган қон орқали топдилар, кейин унга тегмасликка қарор қилиб, икки пода ўртасига чиқариб хандазор қилдилар. Уятдан қўчқор подани тарк этиб кетди. Қон кўп йўқотгани учун ҳушидан кетиб, шу ҳолича мангу ётиб қолди.

ШИМПАНЗЕ БОЛАСИ ВА ГОРИЛЛА

Шимпанзе боласи жуда ҳазилкаш ва ўйинқароқ эди. Бир кун у гориллага қараб қўлига тушган нарсани отаверди. Горилланинг жаҳли секин-аста чиққани учун бутун вужуди билан қизариб шимпанзе боласининг орқасидан кува бошлади. У қочиб ўз қабиласи ичига кириб яширинди. Дарғазаб горилла йўлидан чиққан шимпанзеларни бор кучи билан олиб, зарб

билан дарахтларга ота бошлади. Шимпанзе боласи орқадан бирин-кетин қабиласи жабр кўраётганини кўриб олдинга чиқди, қизариб кетган горилла жаҳл билан уни икки марта олиб дарахтларга уриб майиб қилди. Шунда ўйинқароқ шимпанзе ўзига-ўзи: «Барибир жазойимни оларканман-ку, жазодан қутулиш учун қабилам орасига кириб нима қилардим», — деб афсуслар қилди.

БУРГУТНИНГ ТУХУМИ

Бургутнинг тухуми тушиб кетгани учун у буни атайлаб қилишган деб ҳаммадан хавфсирайди. Кейин аламини олиш учун ҳамма қушларни бирма-бир жазолаб, тухумини тушириб келди. Кейинги кун овдан келиб қараса, ҳамма тухумлари ерда синиб ётарди.

ЖАБРЛАНГАН ОҲУ

Оҳулар галаси сув ичишаётганда бирдан тимсоҳ пайдо бўлиб бир оҳуни оёғидан ушлаб олади. Бошқа оҳулар ва буғулар уни қутқариш учун ёрдам берадилар, кейин қарасалар тимсоҳ оёғини узишга улгурган экан. Шунда гала бошчиси унинг нима бўлишини билиб, қайтиб тимсоҳга ташлашларини буюрди. Улар ҳайрон бўлиб қарашганида гала бошчиси: «Бир неча соат ўлим азобини тортиб ўлгандан кўра, бир неча сония азоб тортиб ем бўлгани маъқул», — деб жавоб қилди. Оҳулар норозилик билдиришганда жабрланган оҳу кучли дард билан: «Тўғри айтяпти, мени тимсоҳларга ташланглар, барибир ўламан, ўлганимдан кейин ҳам ем бўламан», — деб айтди.

ШЕРБАЧЧАНИНГ ОТА-ОНАСИ

Бир урғочи шернинг ови юришмай уйга қайтди. Уйга келиб қараса, болалари, устига-устак ота шер ҳам хотинига қараб

ўтирибди. Шунда урғочи шер нар шерга уйда муккайиб ўтирмасдан овга чиқишини айтди. Нар шерга ҳам бўкириб айтгани учун ёқмай урушди ва охир-оқибат ажрашишга қарор қилдилар. Кейин бола талашдилар: нари бош томондан, урғочиси орқа томондан тишлаб торта бошладилар, бу ўртада шербачча ўлиб қолди. Фарзандлари устига йиғлаб бирлашдилар-у, аммо фарзандларини нобуд қилдилар.

ЁЛДОР БЎРИ, ЙЎЛ-ЙЎЛ СИРТЛОН ВА ШЕР

Ёлдор бўри кеккайиб йўл-йўл сиртлонга: «Бор, биронта ўлжа билиб кел, мен ўзим тутиб келаман», — деб айтди. Сиртлон ҳам бир боплай деб, шерни ўлжа қилиб келди ва бўрига: «Ўша ерга бор, ўлжа тайёр турибди, чоп, кетиб қолмасин», — деди. Ёлдор бўри: «Бир семирарканман-да, — деб келиб қараса, шер турган экан, аста-секинлик билан ортига қайтиб қочди. Шунда ёлдор бўри, «мендан қутулиш учун атайлаб шер олдига жўнатди», — деб сиртлоннинг ўзини ғажиб ташлади.

ТУЛКИ, БЎРИ, ШЕР ВА ЭШАК

Тулки, бўри ва шер келишиб, эшак олдига келди. Тулки эшакка шерик бўлишни таклиф қилди. Эшак индамади, кейин бўри келиб: «Тулки тўғри айтяпти, бизга қўшил, бирга овлаймиз, дўст бўлиб юрамиз», — деди. Эшак яна жим ўтирди, тулки ва бўри бизга ишонмасанг, майли мана ўрмон қироли шер ҳам бизга шерик дейишганда, шер ҳам: «Бизга қўшил, бирга ов қилиб қадрдон дўстлар бўламиз», — деди. Эшак вазиятни тушуниб, уларга қараб: «Мени қўлга тушириш учун ишонтириш режаси яхши ўйланган, лекин бир нарса ёдингиздан кўтарилибди, мен сизларга ўхшаб гўшт емаслигимни унутибсизлар», — деб қочиб қолди.

ҚОРА ИЛОН ВА КОТИБ ҚУШ

Қора илон ўлжа келишини кутиб ўтирганида бир сичқон ҳам ўзига егулик излаб илонга яқинлашди. Қора илон унга бирдан ташланиб заҳар бериб қўйворди: сичқоннинг ўзи ўлишини кутди. Бунга узоқдан кузатаётган котиб қуш ўлган сичқонни емоққа келаётган қора илонга: «Оғзинга тушган ўлжани еганингда омадинг эди, қўйворганинг аҳмоқлигингдан», – деб илонни еб қўйди.

НОШУКУР ОТА

Бир қиз билан йигит севишиб турмуш қурдилар. Йигит биринчи фарзандимиз ўғил бўлсин деб ният қилган экан. Лекин қиз туғилди, отаси ўғил бўлишини чин дилдан истагани учун унчалик хурсанд бўлмади. Қизига оталик меҳрини бермай, ўғил бўлсанг бўлмасмиди, деб норози қарашлар билан қарайдиган бўлди. Мана иккинчи фарзанд ҳам қиз туғилди, бунга ҳам ундан ёмонроқ қарайди. Анчадан кейин учинчи ва тўртинчи фарзанди ҳам қиз туғилди, отанинг кайфияти баттар ёмонлашиб, хотинига бўлган муҳаббати сўниб борди, қизларига меҳр бермагани учун қизлари ҳам оталарига норози қарашлар билан боқардилар. Йиллар ўтгандан кейин ҳам ота ўғил фарзанд кўрмаганидан нолалар қилиб юрди. Мана кексаликда касал бўлиб, шифохонага ётди, лекин қизлари хабар олишга боришмади. Бир кун шифокори сўради: «Нечта фарзандингиз бор? Қариган ота менинг тўрт отасиз қизим бор, мен уларни ўғил бўлишини истагандим, агар ўғил бўлганида ҳозир ҳолимдан тез-тез хабар олиб туришарди», – деб айтганидан шифокори гап нимадалигини англаб: «Ҳамма айб ўзингизда экан-ку, агар биринчи қиз бўлганида худога шукроналар қилиб, соғлом

фарзанд ато этгани учун бор вужудингиз билан меҳр бериб катта қилганингизда эди, иккинчи фарзандингиз ўғил туғилган бўларди», – деб хонасидан чиқиб кетди.

АРАЗЛАГАН ҚЎШНИЛАР

Бир нарса устида икки қўшни урушиб, бир-бирларидан аразлаб қолдилар. Бир кун бирининг сигири қорни шишиб кетаётган пайтда ҳаром ўлиб қолмаслиги учун сўйишга қассоб қидирди. Билса, қўшнисидан ташқари ўзининг маҳалласида бошқа қассоб йўқ экан. Қассоб қўшнисидан бориб илтимос қилишга гурури йўл қўймади. Қўшни маҳалладан қассобни топиб олиб келгунича сигири ҳаром ўлиб қолган экан.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Бир бола ёшлигидан эътиборсизликдан ҳар доим бир ишқал чиқарарди. Онаси уни ишқал чиқаргани учун доим қойиб урарди. Мана бола катта бўлиб эҳтиётсизликдан катта хатолар қиладиган бўлди. Энди она ўзидан бўйи узун бўлиб кетган боласини уролмай доим қойиб юрди. Бола доим калтак еб, қойишлардан онасига бўлган меҳри сусая бошлади. Бир кун бола: «Доим камситиламан -деб, кайфияти бузулиб сигарет чекаётиб, уйни ёндириб қўйди. Катта ёнғин бўлиб уй ёниб кетди. Она боласини сочларидан тортиб-тортиб - ҳаммасига сен нодон айбдор - деб айтганидан бола онасига қараб: «Ҳаммасига айбдор ва сабабчи сизсиз, агар менга биринчи қилган эътиборсизлигимдан қойимасдан, урушмасдан эътиборлироқ бўлишга ўргатганингизда мен бошқача ҳаракат қилган бўлардим. Бўлган иш бўлди-ю, худди сиз мени қойиб урсангиз у ўз ҳолига қайтса».

УЧТА АСАЛАРИ

Асалариларнинг ҳаммаси чиқиб, ҳар бир ўсимлик гулларига қўниб, ўзига тегишли нарсани олиб тўдага олиб боришлари керак эди. Асаларилар ичидан биттаси адашиб алкоғолли ўсимликка қўниб сал татиб кўрганидан кейин ширакайф бўлганини сизди. Ўша гулни эслаб иккита дўстига гапириб берди, улар ҳам қизиқишиб татиб кўришди, ҳақиқатан уларни хушнуд этибди, шу-шу ҳар кун кам-кам татийдиган бўлишди. Бир кун кўп истеъмол қилиб маст ҳолатда уйга қайтаман деб, бир шохга уриниб қаноти синиб ерга тушди. Ерда жон талвасасида қанча зирилласа ҳам, шериклари узоқда, эшитса ҳам барибир ёрдам беришлари қийин эди, чунки улар ҳам маст эдилар. Шу зайлда ердаги қурт-қумурсқаларга ем бўлиб нобуд бўлди.

РАҲМДИЛ ЙИГИТ

Бир йигит йўлда кетаверса, кучукнинг чийиллашини эшитди. Овоз келган томонга борса, бир бола таёқ билан кучукни тишлагани учун жаҳл устида ураётган экан. Йигитнинг кучукка раҳми келиб: «Урма, урмагин!» - деб болани тўхтатиб, кучукни халос этди. Анча вақтдан кейин ўша йўлдан велосипед ҳайдаб ўтаётганда бирдан кучук ҳамла қилиб оёғини тишлади. Оғриқдан дод солиб қараса ўша: ўзи халос этган кучук экан. Шунда йигит: «Четдан назар солиб раҳмим келиб сени халос этганда, сен тишлаган боланинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрсам афзалроқ бўларкан», – деб итни тепиб юборди.

ШЕР ВА ТУЛКИ

Ўрмон подшоси шер адолат билан давлатни бошқарар эди. Тулки кичкинагина хатоликларга йўл қўярди-ю, аммо

тан олиб айтарди. Шер арзимаган хато бўлгани учун кечирарди. Бир кун ўрмон қонун-қоидалари бўйича энг оғир жиноят ҳисобланган - бу вояга етмаган ҳайвонларни ов қилиш бўлишига қарамай, тулки эндигина туғилиб ўсаётган ёлғиз қолган шербаччалардан биттасини бўйнидан тишлаб, олиб қочиб еди. Ғазаби қайнаган подшо барча ўрмон ҳайвонларини тўплади. Тулкиларга қараб: «Мен сизларга ишонаман» деб, бўрилардан, сиртлонлардан ва бошқалардан сўраганда, улар: «Биз қилмадик», – деб жавоб бердилар. Шунда шербаччалар тулкилар орасидан ўша олиб қочган тулкини таниб, ҳар хил имо-ишоралар орқали тулкининг айбдорлигини кўрсатдилар. Шер ишонган тулкисини кўриб қони қайнаб: «Кичкина хатоларни тан оларкансан-у, катта хатоларни тан олмас экансан-да», – деб ўртага олиб ғажиб ташлади.

МОЛБОҚАР ВА СИГИР

Бир фермерда молбоқар ишларди, унинг ўзида бир гавдали, катта сигир бор эди. Молбоқар ҳар доим сигирининг кам сут беришидан нолирди ва ахири, фермер билан келишиб сигирини алмаштирди. Бир ҳафтадан сўнг сигирининг сути беш бараварга ошди, қилган ишидан афсусланиб қайтариб олиб кетмоқчи бўлганида сигири ўзини орқага олди.

ХИЁНАТКОР ДЎСТ

Ёшлиқдан бирга катта бўлишган икки иноқ дўст ака-ука бўлиб яшардилар. Бир кун дўсти давлат иши билан узоқ сафарга (уч йилга) кетадиган бўлди. Шунда ҳеч кими йўқ дўсти ҳамма бойлиги-ю, уйини шу ишонган дўстига омонат қилиб «Ишончнома»ни ёзиб, топшириб кетди. Нафс балосига дучор бўлган дўсти эса «Ишончнома»дан фойдаланиб, бор мол-мулкини ўз номига ўтказди. Сафардан қайтиб келган

дўсти бу ҳодисадан қайғуга тушиб, ҳеч нима демасдан ўзига-ўзи: «Ишонгааниим дўўстиим, укааамм...» — деб, қайтиб кетди. Орадан йиллар ўтиб, қариб қолди. Шунда фарзандлари уни қариялар уйига топшириб, уйни ўз номига ўтказди. Эзилишларга чидолмай таркидунё қилди. Кейин савоб-гуноҳлари ўлчанганда гуноҳи ортиқлик қилиб, дўзахга тушиши аниқ бўлди. Шунда дўзах азобидан кўрққан хиёнаткор, гуноҳларини ювишга имкон беришини ёлвориб сўради. Тарозибон унга: «Маили, бир имкон бераман: Ўзингни жонингни сенга омонат қилиб бераман. Атиги ўн минут асраб-авайласанг гуноҳингдан ўтаман», — деб уни бир оч шер олдига ташлади. Оч шерни кўрган хиёнаткор: «Жоним ширин, жоним омонат», — деб бор кучи билан қочди. Лек барибир шер уни тутди, шунда у йиғлаб ёлвориб сўради: «Жоним омонат, ўзим ўликман, мени ема», — деганда шер уни қўйиб юборди. Вақт ўтгандан кейин у: «Мана мен омонат жонимни асраб-авайладим, энди гуноҳимдан ўтиб жаннатга тушаманми?» — деганда тарозибон: «Сени катта гуноҳинг фақатгина дўстингга хиёнат қилганинг эди, шунинг учун мен сенга «омонат синовни»ни бердим, гарчи сен синовдан ўтган бўлсанг ҳам хиёнатингни англамадинг. Дўстинг берган омонат сенинг жонинг эди, жонингни қандай асраган бўлсанг, дўстинг омонатини шундай асрашинг керак эди, орқангдан югураётган шер нафсинг эди. Сени тирик қолдирган Шер, устозинг эди, аммо сен яна ақлсизлик қилиб, хиёнатингни тушуниб етмадинг», — деб дўзахга улоқтириб юборди.

ДАНГАСА ОДАМ

Болалигидан эрка ўсган, ҳеч бир иш қилишга лаёқати, хоҳиши бўлмайд ўсиб улғайган бир йигитга ота-онаси, яқин қариндошлари ва бошқа билган одамлар кўп маслаҳатлар бериб йўлга солишга уриндилар, лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Унинг

дангасалиги бутун ўзидаги яхши хислатларини қоплаб, одамлар кўзига ёмон кўрсатарди. Аммо шунда ҳам у: «Ўзим учун ўзимман, биров учун ҳеч кимман», – деб бемалол ота-онаси топган-тутганларини еб ётарди. Яқинлари: «Хунарни меҳнат, меҳнатни иш, ишни қийин десанг, ҳеч бўлмаса, илм ўргансанг, жисмоний меҳнат қилмасдан ақлий меҳнат қиласан, ўқигин, ўқишга киргин, бирор касб эгаси бўласан», – деб кўп маслаҳатлар бердилар. Бироқ унга ўқиш ҳам ёқмади. Вақт ўтиб уйланиш пайти келганда, катталар маслаҳатлашиб, уни бир ўқиган, ақлли, билимдон қизга уйлантирсак, зора хотини уни яхши йўлга солиб дангасалигидан ҳазар қилиб меҳнатсевар бўлиб кетса деб, худди шундай қизга уйлантирдилар. Келин ўз уйидай ҳис этгандан кейин эрини қандайлигини яхшироқ ўрганиб, уни ишлашга даъват этди. Бироқ у дангасалигини давом этди, фарзанд кўрдилар, хотини бола тарбияси билан банд бўлганда, уйда ўтирган дангаса эри билан кўп тортишарди, тортишувлар жанжалга айланарди. Хотин эридан нафратлана борди. Йиллар ўтиб, она тарбиясини олган фарзандлари ҳам отасининг дангасалигидан уялиб, меҳр кўзлари ўрнини тобора нафрат қоплаб борарди. Охир-оқибат ўз оиласида катта жанжал бўлиб, ажралишга қарор қиладилар. Фарзандлар, ҳатто оталарига қарамай ташлаб кетдилар. Дангаса «қаримаган чол» кундан-кунга ўз камчиликларини тушуниб, виждони қийналиб, минг афсуслар қилса ҳам энди бекорлигини билиб, ич-ичидан эзилиб, виждон азобига чидолмай бу ҳаракатланувчи дунёни тарк этди.

СИРТЛОН ВА ОХУ

Ўрмонда сиртлон пинҳона шер боласини ўғирлаб еяётганда, оху уни кўриб қолди. Сиртлон ўғирлилигим билинди, шерга айтса тамомман деб охуни гумдон қилишга чоғланиб борди ва сўради.

- Кўрдингми?
- Нимани?
- Мени нима қилаётганимни?
- Йўқ, кўрганим йўқ.
- Мени танийсанми?
- Йўқ, умуман танймайман. Чунки бунақа пайтда: «Карман, кўрман, соқовман», – деди. Шунда сиртлон: «Барибир гумонсирайман, шу ишингни бошида қилганингда мен сени илғамас эдим», – деб оҳуни еди.

ИҚТИДОРЛИ ТЎТИҚУШ

Бир хонадонда тўтиқуш боқиларди. Тўтиқуш шундай ноёб иқтидорга эга эдики, барча ҳайвонлару одамларнинг овозига ўхшатиб овоз чиқарарди ва гапирарди. Бу хислатини сезган хўжайин уни аста-секин одамларга мақтаниб кўрсата бошлади. Қисқа муддатда дунёга машҳур бўлди, одамлар уни «фалончининг тўтиқуши» деб тилга олишди. Хўжайинни тўтиқуши билан кўп жойларга таклиф қилганларида, у мақтаниб: «Мен ўргатдим-да, мен тарбияладим-да», – деб кериларди. Дунёга машҳур тўтиқуш хўжайини шоҳона уйда ўтириб, тўтиқушидан хабар олмай қўяди. Шунда тўтиқуш: «Бу мен орқали машҳурликка эришди. Менинг иқтидорим унга шунча бойлик берди, лекин у буни тушуниб етмади. Бўлди, энди иқтидоримни ортиқ намоёиш қилмайман», – деб ўзига-ўзи қасам ичди. Ҳар обрўнинг ҳасадчилари бўлганидек, ҳасадчилар «буни шарманда қиламиз» деб, хўжайин билан гаров ўйнадилар. Гаровда: тўти бўрининг увиллашини қила олса, катта миқдорда пул ютишини, қила олмаса, шунча ютқазинини келишдилар ва тўтиқуш олдига келдилар, тўтиқуш фақат хўжайини овозида: «Мен ўргатдим-да, мен тарбияладим-да», – деб такрор ва такрор айтди. Гаровда ютқазган «Машҳур» хўжайин бойлигидан ҳам, иқтидорли тўтиқушидан ҳам айрилиб, эси оғиб қолди.

ҚЎРҚМАС ҚУЁН

Ёш қуён доим шериксиз юрмас, кундузи ҳам, кечаси ҳам гоҳида ота-онаси билан, гоҳида дўстлари билан юрарди. Кейин ўзича ўйлаб: «Мен қўрқмас ботир эканман, кечалари ўрмонда юрсам, кундузлари шербачча дўстларим билан бўри ва тулкилар олдиларидан ўтсам», – деб гурурланарди. Бир кун бойқуш билан суҳбатлашаётганда суҳбат баҳслашувга ўтди. Қуён: «Мен ҳеч қачон ҳеч кимдан қўрқмаганман ва қўрқмайман ҳам» деганда, бойқуш: «Сен мenden қўрқасан», – деб гаров ўйнашди. Гаровда: қуён ярим тунда ўрмонни ёлғиз кезиб ўтиши керак эди. Ҳеч ёлғиз юрмаган қуён ўрмонга кириб бораркан, унинг қўрқуви тобора кучаярди, ўрмонда ҳар хил овозлар келарди, у ҳам қўрқмаслиги учун баланд овоз чиқариб югура бошлади, йўл узоқ эди, шунинг учун қуён: «Бошланиши шундай бўлса, охиригача қандай бораман?» – деб қўрқиб, энди уйга қайтаман деганда бир чумолини кўрди, шунда унинг қўрқуви йўқола бошлади. У чумоли билан дилдан суҳбатлашарди. Чумолига илтимос қилиб, ўрмонни кезиб ўтишида шерик бўлишга кўндирди. Йўлда бораётганда бойқуш олдиларидан чиқиб: «Шартга биноан ёлғиз кезиб ўтиш эди»- деб айтди. Шунда қуён: «Чумоли ўзи кичкинагина заиф бўлса, менга ёрдам беролмаса, хавф туғилганда ҳимоя қилолмаса, бу ёлғиз боришим дегани-ку», – деганда бойқуш қуёнга қараб: «Эй қўрқоқ, ёлғиз келаётганингда қўрқдинг, қўрққанингдан ҳатто орқага қайтмоқчи ҳам бўлдинг, шу заиф чумолини кўриб қўрқувинг йўқолмадим, дадиллашмадингми? Қўрқоқ, сен аллақачон ютқазган эдинг», – деб кетди. Қуён ўйлаиб: «Ҳақиқатан ҳам, ёлғиз қўрққанингда ҳатто энг ожиз ҳайвонни кўрганингда ҳам қўрқувинг йўқолиб, дадиллашаркансиз», – деб қўрққанини тан олиб уйига қайтди.

БЎРИ ВА ШЕР

Бир шер охуни тутаман деб, тўсатдан ботқоққа ботиб қолди. Бир оздан сўнг оч бўри ўлжа қидириб юрганида ботқоққа ботган ночор шерни кўрди. Бўри шерга қараб: «Мана энг катта орзумга етадиган бўлдим, бошингни олиб бутун ўрмонга мен шерни енгдим, энди мен довюрракман деб жар соламан», – деганда шер бўрига қараб: «Сен аллақачон илтимос қилиб ёрдам сўрашим бефойдалигини намоён қилдинг. Тақдирим аён бўлди, ё сен ҳозир ўлдирасан, ё кейинроқ ўзим ботқоққа кўмилиб ўламан. Бас, шундай экан, сенинг кўлингдан ўлим топиб шарманда бўлганимдан кўра, ўзим ботқоққа ботиб ўлганим афзал», – деб оёқлари билан тез ҳаракат қилиб, ботиб кетди. Шунда: «Ёлғон гап билан тўғри машҳурликни истаган» бўри думи кўринган ўлик шерни тортиб чиқараман деб, ўзи ҳам ботиб ўлиб кетди.

ТАНИҚЛИ МАЙМУН

Бир ўрмонда маймунлар ичидан бири ҳар хил ҳаракатлари орқали ном қозонди. Сўнгра у: «Мен таниқли ва машҳур маймунман», – деб севиниб мақтаниб юрди. Бир кун айнан ўша маймун қафасга тушиб қолди, уни циркка олиб бориб ўргатилган маймунлар орасига ташладилар. У ерда ҳам: «Мен таниқли ва машҳур маймунман», – деб мақтанди. Кейинчалик ҳайвон ўргатувчи қолган ҳайвонларни ҳар хил усуллар билан ўйнатаётганини кўриб қолди. Шунда «таниқли» маймун уларчалик қила олмаслигини ҳис этиб: «Бу ерда ҳамма иқтидорлилар, машҳурлар экан-ку, улар олдида мен оддий бўлиб қолдим, энди тушундим: «Ўта номдорлар ҳам қачондир оддийлигини ҳис этаркан», – деб мақтанмайдиган бўлди.

СИРЛИ МУСИЧА

Бир киши дарахт тагига келиб дод солиб йиғлаётган эди. Мусича йиғи овозини эшитиб, дарахт шохига келиб қўнди ва йиғлаётган одамдан не сабабдан дардли, қайғули йиғлашининг сабабини сўраганида, у мусичага қараб: «Менинг ичим тўла дард, ҳаммасига бош сабаб бир сирни яшириб юришим», – деди. Мусича : «Дардингни ва сирларингни менга айт, анча енгил тортасан», – деганда у рад этди. Мусича бу қандай сир экан деб қизиқиб, сир билишга интилди. Шу сирни сақлаб қийналиб юрган одам ҳам айтишга рози бўлди, аммо сирни ҳеч кимга айтмасликка қасам ичирди. Шундан кейин худди ҳамма билгандай атайин шу сир ҳақида мусичадан сўрайдилар. Мусича ҳеч алдамаган эди, шундай бўлса ҳам қасами туфайли ҳаммани ёлғон гап билан алдай бошлади. Мусича ич-ичидан эзилди, вақт ўтиб ўша сирли одам эзилганидан, зикликдан вафот этди. Мусича ҳам сирни билганидан минг афсуслар қилиб, қабристонга келиб қабр устида йиғлаб дардини айтди ва ўзини анча енгил ҳис этди. Шундан сўнг ҳар эзилганида қабристонга келиб ғамгин овоз чиқарадиган бўлиб қолди.

СИНАЛГАН ҚАДР

Ёшлигидан қийинчилик билан ўсиб улғайган кишининг обрўйи кундан-кунга ошиб борарди. Қанчалик лавозими даражаласа, обрўйи билан бирга дўстлари, ҳатто ўзи билмаган «қариндош»лари ҳам кўпайиб бораверди. Ким нима сабабдан, нима мақсадда дўстлашганини билиш учун бир донишманд олдига бориб, синовни қандай қилиб олишни маслаҳат қилди. Донишманд унга: «Бир ой касалхонада касали оғир бемор тарзида ёт», – деб маслаҳат қилди. У худди шундай қилди: уни кўриш учун ҳар куни дўстлари ва қариндошлари келиб

турдилар. Бир ой ўтиб яна донишманд олдига бориб: «Мен хато ўйлаган эканман, ҳамма мени ҳурмат қиларкан, қадрларкан, бари ҳолимдан хабар олиб турди» деганда, донишманд: «Йўқ, энди сен ишдан расмана бўшаб, яна бир ой бемор сифатида касалхонада ёт», — деб қайтариб юборди. Ақлли инсон вазиятни тушуниб худди шундай қилди, лекин бир-иккита дўстлари-ю, уч-тўртта қариндошлари хабар олиб туришди: вақт ўтиб донишманд олдига бориб натижани айтганда, у: «Мансабинг борида келиб хабар олганлар улар сенинг сохта дўсту қариндошларинг бўлади; мансабинг борида ҳам, йўғида ҳам ҳолингдан хабар олганлар эса сенинг ҳақиқий дўсту қариндошларинг бўлади», — деб жавоб берди.

ҚАРҒА ВА ҲАККА

Ҳакка учиб юрганида бир қарғанинг овозини эшитди. Тўхтаб туриб роса кулди, кейин аста қарға олдига бориб: «Яна бир қайтарчи», — деб сўради, қарға бир-икки марта қағ-қағ демасдан, қотиб кулди. Сабабини сўраганда: «Овозинг, сўзларинг кулгили-да», — деди. Қарға сеникичи меникидан хунукроқ-ку, деб икковлашиб баҳслаша кетишди. Бир пайт узоқдан бу тортишувни кўрган булбул келиб қолди. Вазиятни билгандан сўнг уларга қараб: «Ҳар кимнинг ўз овози, ўз тили қадрли ва азиздир. Ҳеч бир тилнинг ёмони йўқ, қарға ва ҳаккаларнинг овози ҳам жуда ёқимли ва чиройлидир. Мана, менинг овозим сизларникидай», — деб бор маҳорати билан сайраб учиб кетди. Шундан сўнг қарға ва ҳакка ўзларининг овозлари ёқимсизлигини ҳис этиб, тортишув ўринсизлигини билиб, учиб кетишди.

ҚИРОЛ ШЕР

Бир ўрмоннинг баҳайбат шер подшоҳи бор эди. Барча ўрмон ҳайвонлари ундан қўрқишарди. У: «Мен дунёдаги ягона

қиролман», – деб барча ўрмон ҳайвонларини ўзига бўйсундиради. Кейинчалик билса, у енгмаган инсонлар қолган экан. Қирол шер: «Мен уларни енгман, керак бўлса, энг зўрларини», – деганда бир маймун: «Йўқ, уларни енголмайсан, улар жуда ақлли, ақлли бир ночор сени мағлуб этади», – деганда, шер унга қараб: «Уларда кучли ақл бўлса, менда уларга нисбатан ўткир тирноғим, тишим, кучим бор», – деб кулди. Бир-икки кундан сўнг инсонларнинг ўзи ҳайвонот боғи учун шер ушлашга келдилар. Шер ана энди урушаман деб келаётганда, бир парча илиб қўйилган гўштни кўрди. Оч қоринни тўйдирай, кейин яхшироқ урушаман деб гўштни тишлаганида, қопқонга тушиб қолади. У инсонлар қўйган қопқон эди. Қанча ҳаракат қилди, бўқирди, ҳеч қопқондан қутулолмади. Шунда шер ақл кучдан кўра қудратлигини тушуниб, тақдирга тан берди.

БЕГОНА ИТ

Бир ит дайдиб юриб, адашиб бошқа кўчага ўтиб кетди. Кўча итлари уни ўртага олиб камсита бошладилар, у: «Сизларга ёмонлигим йўқ, билмасдан кириб қолибман», – деса ҳам улар камситиб, чалажон қилиб ҳайдадилар. Кунлар ўтиб, ўша кўча итларидан иккитаси бошқа ерга кетишлари учун хўрлаб чалажон қилган ит кўчасидан ўтишга мажбур бўлдилар. Худди ўзлари қилгандай уларни қуршаб олиб, сўроқ қилаётганларида, хўрланган ит ваҳшиёна қиёфада ҳамма илтимосларига қилмишларини эслатиб барча кўча итларини ғажиб, нимта-нимта қилишга чорлаб: «Яхшига яхшимиз, ёмонга ёмонмиз», – деб ўлдирдилар.

АЙҒОҚЧИ ТУЛКИ ВА ШЕР

Икки ўрмон ҳайвонлари ўртасида низо чиқиб, уруш эълон қилдилар. Биринчи ўрмондан айғоқчи қилиб тулкини

юбордилар. Тулки ўзича айёрлик қилиб шоҳ биқинига кириб оламан деб, тўғри ўрмон шоҳи шер олдига борди. У ишонтириш учун: «Мени доим хўрлаб келдилар, камситиб юрдилар», — деди, яна ишончини қозонишга ҳар хил ҳийланайранглар ишлатиб уларга қўшилиб олди. Эртаси куни у мақсадига ўтиб кетма-кет саволлар берди: «Қачон уруш бошламоқчисизлар, қанча жангчи билан, қандай усуллар билан?, — деганда, шер бу айғоқчилик қилаётганини сезиб ўлдирди ва калласини ўз қабиласига юборди.

МАЙМУН, ИТ ВА ЭШАК

Бир эшакка доим моллардан қолган хас-хашакларни берардилар. Бундан эшак безиб кетди. Бир кун эшак маза қилиб гўшт еяётган итни кўриб ҳавас билан: «Қанийди мен ҳам итга ўхшаб гўшт ейдиган бўлиб қолсам», — деганда, бу гапини эшитиб турган ит ҳам: «Қанийди мен ҳам одамларга ўхшаб хандон отиб кула олганимда эди, роса устингдан кулардим», — дебди. Эшак билан ит суҳбатига кулоқ солиб турган маймун хохолаб кулиб юборди. Улар маймундан нега кулаётганини сўраганларида, маймун уларга қараб: «Сен азалдан бўлмаган ҳодисани ҳавас қилдинг, сен эса шу ҳавасни эшитиб, азалдан умуман бўлмаган ҳодисани ҳавас қилдинг», деганда, ит ўз хатосини тезда англаб, маймун хатосини топди. Кейин маймунга қараб: «Сен бир эмас, иккала гапдан хулоса чиқаролмай яна кулдинг. Аслида азалдан ҳеч нарса бўлмаган, ким айтади мени одамларнинг уй қоровули, эшак эса одамларнинг юк ташувчиси бўлиб хизмат қилади деб. Ўша пайтда бу айтилганида ҳамма тасаввур қила олмай кулардилар. Сен ҳозир биз ҳавас қилганларимиз устидан кулдинг, ахир сен ҳам азалдан бўлмаган ишлардан қилишни истайсан-ку, қушлардек учишни, балиқлардек сузишни истайсанми? Ҳавас қилганлар устидан шу ҳавас қилгани учун кулсанг,

улар бошқа бировга айтмайдилар, бошқа бу ҳавасни қилмай қўядилар. Агар сен кулмай қўллаб-қувватлаганингда, ҳавас орзуга айланиб ҳаракатлантирарди. Мен уйда ўтирганимда «Одамлардан қолган суякни» еяётган бўлардим, мана учадиган қушни ердан ушлаб едим». Бу гаплардан кейин эшак гўшти борларни тишлаб кўрадиган, маймун эса дарахтдан дарахтга учиб юрадиган бўлиб қолди.

МАЙДАГАП ОТА

Бир оиланинг тўрт фарзанди: икки қизи ва икки ўғли бор эди. Ота уларни бекам-қўст, ақлли ва одобли қилиб тарбиялади. Уларни ўз назоратига доим, қатъий олиб юрди, ҳаммаси зўр: одамлар орасида мақтовлар. Аммо ота шундай тежамкор ва майдагап эдики, ҳатто ўз болаларига нималар олиб беряпти - ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб борарди. Агар ўртоғи чақириб қолса: уйдан чиққунча ўн-ўн беш минут савол-жавоб қилади; ким у? Қандай? Нега келибди? Нимага айнан сени? Сабаби? — хуллас, биринчи савол ўринли, бошқаси ноўрин берилган саволлар бўлиб чиқади. Агар гаплашиб қайтса, сўнгра яна ундан икки баравар кўп савол беради. Ёш улғайган сари дўстлар ҳам кўпайиб боради, дўстлар орасида бўладиган гаплар айтилмайди, худди шунингдек сир тугилади. Фарзандларига ҳаёт қонуни устун келиб, сир тугиладиган, сир бўлмаса ҳам айтиб бўлмайдиган гаплар ўрнига ёлғон гапиришга мажбур бўлдилар: аста-секин майда-майда ёлғонлар ишлатиб, ёлғон гапиришга мослашиб бордилар. Фарзандларига берилган пулни нима қилдинг? Нима олдинг? Нега? каби саволлар билан сўроқ қилганидан, фарзандларига, аниқроғи ўғилларига, оталарининг тартиб-интизоми эмас, ҳаётнинг тартиб-интизоми устун келиб, сабр косаларини тўлдириб, ахири гап қайтаришга мажбур бўлдилар. Энди улар ёш эмас, барчаларининг шахсий фикрлари, режалари, мақсадлари бор.

Ёлгон гапириш, гап қайтариш бор бўлганда, менсимаслик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлди. Кейинчалик улар отасининг урушидан қўрқишмади, шунда отаси: «Бошидан майдалашиб кетмаганимда ўртада меҳр, ростгўйлик бу даражада салбийликка келмасмиди», – деб афсусланди.

ВАЙСАҚИ ҲАККА

Ҳакка узоқдан бир донни ейман деб кўзлаб келаётганда, бирдан бир товуқ келиб еди. Ҳакканинг жаҳли чиқиб: «У менинг насибам эди...» - деб жанжал кўтарди. Товуқ тушунтиришга ҳаракат қилди, Мушук келиб тушунтиришга ҳаракат қилди, фойдаси бўлмади. Ҳакканинг вайсаши тобора кучайди. Ит вазиятни англаб: «Кўрганинг сеники бўлса, дунё сеники бўларди. Сен узоқдан кўрганингда, товуқ аллақачон яқиндан кўрган эди ва яқин бўлгани учун сендан олдин донни еди», – деб тушунтирса ҳам, вайсақи ҳакка итга вайсаб кетди: «У олмаганда мен олардим», – деди. Шунда эшак келиб қолди, вазиятни билиб ҳакка ноҳақлигини айтганда, ҳакка эшак билан жанжаллаша кетди, эшак ўйламай-нетмай бир тепиб ўлдирди. Шунда ит билан мушук аҳмоқларга гап тушунтириш бекор экан, бу аҳмоқнинг гўшти ҳам бемаза бўлади деб, у ёқдан-бу ёққа тепиб ташладилар.

ДАРДЛИ ОДАМ ВА ЧУМОЛИ

Бир одамни ари чақди, лой босаман деб ариқ лабига бориб ўтирганда чумоли оёғидан чақди. Заҳрини кимга сочишини билмай турган одам чумолини ўн маротаба босиб ўлдиргани етмаганидек, чумоли уйига сув қуйиб, устидан лой босиб хуморидан чиқди.

МИНИЛМАГАН ЭШАК ВА УНИНГ ЭГАСИ

Эндигина минишга тайёр бўлган эшакка бирдан катта аравани қўшдилар. Ёш эшак юрмади, юрса ҳам тўғри йўлдан бормасдан ҳар қаёққа бориб уриларди. Эгасининг жаҳли чиқиб жон борича қаттиқ савалади. Эшак кейин оқсоқланиб юра бошлади. Йўлдан ўтаётганда эшак оёғини кўтаролмай, аравани тортолмай, йўл устида йиқилиб қолди. Катта тезликда келаётган машина уриб кетди. Эгаси ҳам, ёш эшак ҳам ўша заҳоти жон таслим қилди.

БЕСАБР ЧИВИН

Бир мушук гўшт еяётганида, чивин келиб озгина охирида қолдиришини сўради, мушук рози бўлиб ейишни давом эттирди. Чивин мушук атрофидан фир-фир айланиб: «Қачон бўласан, қачон бўласан?» – деб яна озгина кутарди-да, мушук боши устидан яна фир-фир айланиб: «Тезлат, тезлат» деб шошилтирарди. Кейин яна озгина ўтирмасдан мушукка қараб: «Атайлаб қиляпсанми нима? Бўл, намунча имиллайсан», – деганда, мушук бир панжа солиб, чивинни уриб ўлдирди. «На тинч кўйдинг, на ўзинг тинч кутдинг. Бесабрларни сабр-сизлиги ўзни жазолайди, бу мени ишиммас, тақдиринг», – деди.

АЙЁР ТУЛКИ

Ўрмонда ҳаво жуда иссиқ бўлиб, қурғоқчиликни олиб келди. Шерлар бир жойдан сув топдилар, кейин улар орқасидан бошқалар ҳам борди: гепард, сиртлон, бўри каби ҳайвонлар бориб шерлардан улар ёнига туриб яшашни

илтимос қилдилар; шерлар рози бўлиб: «Ҳамма қилган овини уйга олиб келиб биргаликда бўлиб ейди», - деб келишдилар. Улар яхши кун кечираётган эдилар. Бир кун сувсизликдан қийналиб, сув қидираётган тулки булар яшайдиган жойга келиб қолди ва биргалашиб яшашни илтимос қилди. Унинг ҳолига ачиниб рози бўлдилар ва уйдаги шарт-шароитни тушунтирдилар. Тулки рози бўлди, бир-икки кун у уйига ови юришмай қайтса ҳам, шериклари овлаган ўлжалардан қоринни тўйдирди. Бундан мамнун бўлиб, тулки ўзича айёрликка ўтди: овга деб бир соя жой танлаб ётадиган бўлиб, сўнгра овлолмадим деб уйга қайтарди ва бошқалар овлаганларидан танавул қиларди. Ҳаммасининг кўзига тулки текинхўрдай кўришиб, ёмон кўра бошладилар. Унга қилинадиган муносабатлари ҳам ёмонлаша борди. Худди келишилганидек, улар кетма-кет икки кун овлолмайдилар, уйга қуруқ, оч келдилар. Тулки бир кун уйдан емагани учун, иккинчи кун бир қуён овлаб ўзи еб уйга қайтди. Шериклари оч қоринда тулкига қараб нафратлари кўзгади, у яна доимгидай: «Овим бароридан келмади» деганда, оғзи қонга бўялганини кўрган шериклари, ахири ичларига ютган заҳар гапларини айтдилар: «Сен текинхўр атайлаб овламай ётиб, биз ов қилганларни еб ётардинг, энди бизнинг овимиз юришмаганда ўзинг овлаб еб келяпсан нонкўр» деб, барчаси тулкига ёпишиб тилка-пора қилдилар ва оч қоринларини тўйдирдилар.

МЕҲНАТКАШ ОТА ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Бир камбағал оилада тўртта фарзанд туғилди: уларнинг иккитаси ўғил, иккитаси қиз. Она болалар тарбияси билан, ота уларни боқиш билан сарсон саргардон эдилар. Ота бечора вақтида ўқимагани учун билим ва маҳорат талаб этмайдиган

барча ишларга қўл уриб пул топишга, болаларини бировдан кам қилмасликка ҳаракат қиларди. Кечалари ухламай, кундузлари ором билмай ишларди. Йиллар ўтиб фарзандларини тўй қилиб уйли-жойли қилиб қўйди. Бироқ вақт ўтиб қариганда оғир касал бўлиб қолди, уни даволашга катта миқдорда пул керак бўлди. Тўртгала фарзандлар йиғилишиб пул масаласи бўйича муҳокама қилдилар. Ҳар бири ўз оиласи шароитини салбий томонларини айтиб пул камлигини, очиги, беролмасликларини намоён қилдилар. Ҳаракат кўринмаганидан оталарининг қалин дўсти болалардан кўнгли совиб, ўртоғининг кўнгли учун: «Фарзандларинг йиғиб, сени даволашга берди», – деб ўз ҳисобидан пул қолдирди. Даволаниб чиққандан кейин отаси фарзандлари сарф қилган пуллари қайтараман, уларнинг ҳам оиласи бор деб: «Ҳар биринг қанчадан пул сарфладинг, молни сотиб бераман», – деганда фарзандлари майда-майда харажатларни, ҳатто бориб кўриб келишдаги харажатларни ҳисоблаб айтдилар. Бу куниси ота молни бозорга етаклаб бораётганда ўша ўртоғи йўлдан чиқиб қолди. Дўстидан молни нега бозорга обораётганини билганда қони қайнаб, бутун вужуди ғазабланди, дўстини йўлдан қайтариб, уйига олиб келди ва фарзандларини чақиртириб уларга қараб: «Бир эсланглар, оталаринг нима учун кечаю кундуз тинмай ишларди, нима учун ўз соғлигини ўйламай совуқ лойларда ишлаб, яхши кийинмасди!!? Нимага!!?... Ахир сизларни деб бировларнинг қули, бировларнинг ити бўлди. Вояга етдиларинг, ота-онани унутдинг деганимас, барчангни оилали, фарзандли бўлишларингга шу оталаринг сабабчи ахир?!». Дўстим, даволанишингга фарзандларинг берган бўлсин дейлик, нега қайтаришим керак деб ўйлайсан, сенга булар бегонами? Нимага катта қилдинг? Ё бўлмаса, буларни уйлантириш учун, эрга бериш учунми? Агар шу ергача фарзанд, кейин бегонага

айланганда эди, ҳеч ким фарзанд кўришни орзу қилмас эди. Ҳаёт: «Сен вояга етгунича боқасан, кейин улар сени боқиши, ҳол-аҳволингдан хабар олиб туриши керак», – деб уқтиради. Сизлар ҳам ота-онангга кўп пул сарф қилган бўлсаларинг, ҳеч қачон пул қайтади, деб ўйламанглар. Дўстим, тўғриси аслида, у пулларни мен берган эдим, фарзандларинг эмас. Сизларга келадиган бўлсам, ота-онага қилинган салбий ҳаракатлар ўзларингга, албатта, бундан-да оғир бўлиб тушгуси маълумдир», – деб ғамгин кетади.

МУНДАРИЖА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР.....	3
---------------------	---

МАСАЛЛАР

СИРТЛОН ВА ШЕР.....	40
ҚЎРҚОҚ ЙЎЛОВЧИ.....	40
ТУЛКИ ВА БЎРИ.....	41
ОНА-БОЛА ЖИРАФАЛАР ВА СИРТЛОНЛАР.....	41
«ҚЎРҚМАС» ШЕР.....	41
КУЧУК ВА БОЛАҚАЙ.....	42
МУШУК БИЛАН ҚАЛДИРҒОЧ.....	42
ОТ БИЛАН ЭШАК.....	43
ИККИ МАЙМУН.....	43
ОВЧИ БИЛАН ОТ.....	43
ТОВУҚЛАР.....	44
ТУЛКИ ВА ҚУЁН.....	44
ИККИТА КУЧУК.....	45
ТИПРАТИКАН ВА ИТ.....	45
ТУЛКИ ВА КАЛАМУШ.....	46
АКУЛАЛАР ВА ДЕЛЬФИНЛАР.....	47
БЎРИЛАР ВА ТУЛКИЛАР.....	47
ПАЛЬМА ОЛМАХОНИ ВА ЯГУАРЛАР ОИЛАСИ.....	47
СИРТЛОН, ГЕПАРД ВА ШЕРЛАР.....	48
ЎРМОН ҲАЙВОНЛАРИ ВА ШЕРЛАР ГАЛАСИ.....	48
ЎРМОН ҲАЙВОНЛАРИ ВА БАҚА.....	48
БЎРИ БИЛАН ТУРНА.....	49
БЎРИЛАР ШАРТНОМАСИ.....	49
БЎРИЛАР ҲАСАДИ.....	50
КАЛАМУШ ВА СИЧҚОН.....	50
ШЕР ВА ГНУ.....	51
ИККИ БАЛИҚЧИ ВА ИККИ БАЛИҚ.....	51
СИВУЧ БОЛАЛАРИ.....	52
ОВЧИЛАР.....	52
БАЛИҚЧИ ВА ДЕЛЬФИН.....	52
ҚАССОБ ВА ДЕЛЬФИНЛАР.....	53

МУШУК ТАРБИЯСИ.....	53
МУШУК БИЛАН КУЧУК.....	54
АРАВАН БАЛИҚ ВА КАТТА БАЛИҚХҲҮРЛАР.....	55
ПАШША БИЛАН ЎРГИМЧАК.....	55
ИККИТА ЧИВИН.....	56
ҚАРЧИҒАЙЛАР.....	56
ОНА ПИНГВИНЛАР.....	56
ҚОВОҚАРИЛАР БИЛАН АСАЛАРИЛАР.....	57
ДАЙДИ ИТ БИЛАН ХОНАКИ ИТ.....	57
ЙЎЛОВЧИ БИЛАН ҚОНХҲҮР ИТ.....	57
ИККИ МАЖРУҲ ШИМПАҒЗЕ.....	58
ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ МАЙМУНЛАР.....	58
ҚУЁҒ ВА УНИҒ БОЛАЛАРИ.....	58
АКВАРИУМДАГИ БАЛИҚ.....	59
КУЧУК БИЛАН МУШУК.....	60
ГЕНЕРАЛ БҲҮРИ.....	60
ҲАЙВОНОТ БОҒИДАГИ МАЙМУНЛАР.....	61
МУШУК БИЛАН ЧУМОЛИ.....	61
ЭЧКИЛАР ВА ИТ.....	63
ОТ БИЛАН ЧАВАНДОЗ.....	63
ЎҒРИ ТОВУҚЛАР.....	63
ИШСИЗ ҚОЛҒАН ЭШАК.....	64
ҲАЗИЛКАШ МАЙМУН.....	64
ВАҲШИЙ АСАЛАРИЛАР.....	65
ЗҲҮР ОРҚАСИДАН ЗҲҮРЛАНИШ.....	65
ИККИТА ҚҲҮЧҚОР.....	65
КАСБ АЛМАШТИРИШ.....	66
ТОМОШАБИН ЭЧКИЛАР.....	66
СҲҮЙИЛАДИҒАН ҚҲҮЙ.....	67
ҲАЛОКАТГА УЧРАҒАН ОДАМ.....	67
ЖАНГАРИ ҚҲҮЧҚОР.....	67
МАНСАБПАРАСТ ОТА-ОНА.....	68
ҚУЁҒНИҒ КАРАМИ.....	68
РЕКОРД ЎРНАТИШ.....	68
«АЙБЛАНҒАН» МУШУК.....	69
МАЙМУНЧА ҚАБУЛХОНАДА.....	69
ТОҒ ЭЧКИСИ.....	69
ҲАЙВОНЛАР ЧЕГАРАСИ.....	70
ТУЛКИ, БҲҮРИ ВА БУРГУТ.....	70
ШОХДОР ҚҲҮЧҚОР.....	71

ШИМПАНЗЕ БОЛАСИ ВА ГОРИЛЛА.....	71
БУРГУТНИНГ ТУХУМИ.....	72
ЖАБРЛАНГАН ОҲУ.....	72
ШЕРБАЧЧАНИНГ ОТА-ОНАСИ.....	72
ЁЛДОР БЎРИ, ЙЎЛ-ЙЎЛ СИРТЛОН ВА ШЕР.....	73
ТУЛКИ, БЎРИ, ШЕР ВА ЭШАК.....	73
ҚОРА ИЛОН ВА КОТИБ ҚУШ.....	74
НОШУКУР ОТА.....	74
АРАЗЛАГАН ҚЎШНИЛАР.....	75
ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ.....	75
УЧТА АСАЛАРИ.....	76
РАҲМДИЛ ЙИГИТ.....	76
ШЕР ВА ТУЛКИ.....	76
МОЛБОҚАР ВА СИГИР.....	77
ХИЁНАТКОР ДЎСТ.....	77
ДАНГАСА ОДАМ.....	78
СИРТЛОН ВА ОҲУ.....	79
ИҚТИДОРЛИ ТЎТИҚУШ.....	80
КЎРҚМАС ҚУЁН.....	81
БЎРИ ВА ШЕР.....	82
ТАНИҚЛИ МАЙМУН.....	82
СИРЛИ МУСИЧА.....	83
СИНАЛГАН ҚАДР.....	83
ҚАРҒА ВА ҲАККА.....	84
ҚИРОЛ ШЕР.....	84
БЕГОНА ИТ.....	85
АЙҒОҚЧИ ТУЛКИ ВА ШЕР.....	85
МАЙМУН, ИТ ВА ЭШАК.....	86
МАЙДАГАП ОТА.....	87
ВАЙСАҚИ ҲАККА.....	88
ДАРДЛИ ОДАМ ВА ЧУМОЛИ.....	88
МИНИЛМАГАН ЭШАК ВА УНИНГ ЭГАСИ.....	89
БЕСАБР ЧИВИН.....	89
АЙЁР ТУЛКИ.....	89
МЕҲНАТКАШ ОТА ВА УНИНГ ФАРЗАНДАРИ.....	90

ФАРҲОД ФАРМОН

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Муҳаррир Шойим Бўтаев
Мусаҳҳиҳ Гулчеҳра Азизова
Дизайнер Закирова ГулиРағно
Саҳифаловчи Хушида Исмоилхўжаева

Лицензия АИ № 168. 23.12.2009.
Босишга 06.03.2013 й. да рухсат этилди. Бичими 60x84¹/₁₆.
TimesUZ гарнитураси. Офсет қоғози. Шартли б.т. 6,0.
Нашр т. 6,0. Адади 100 нусха. Буюртма № 06-09.

«ТАФАККУР ҚАНОТИ» **нашриёти**. Тошкент, 1-тор, Мирсолихова кўча, 13-уй.
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел.: +99890 **945-50-87**.

Оригинал-макет «ТАФАККУР ҚАНОТИ» масъулияти чекланган жамияти
техник ва дастурий воситалар базасида тийёрланди ва чоп этилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.